Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
51 сон
16 — 22 декабр 2004 йил

# ЖИҲОЗЛАР КЎНГИЛ ЭЛЧИСИ



**«Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон либерал-демократик партияси» Қарши шаҳар кенгашига 17-Хон тепа сайлов округидан, вилоят халқ депутатлигига Ғузор туман 11-Шакарбулоқ округидан номзод Саломатхон Комиловани иш устида учратдик. У болаларнинг қизиқиши ва дидига мос мебеллар чизмаси устида бош қотираётган экан.**

- Биласизми, "ёғоч" дегани ниҳоятда бой манба-да. Ҳайратланарлиси, ҳар бир дарахтнинг ўзига хос хусусияти бор. Москвада, ўрмон технологияси институтида ўқиганимизда, дарахтларни алоҳида-алоҳида ўрганардик. Ёғочни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган дастгоҳлар тилини яхшироқ тушуниб олишга ҳаракат қилардик. Умр йўлдошим (раҳматлик) Ҳамидхон Комилов билан институтда бирга ўқиб, турмуш қурганмиз. Ҳамидхон акам наманганлик эди. "Наманган мебел" фабрикасида катта муҳандис бўлиб ишладим. Ҳамид акам эса бош муҳандис вазифасида ишладилар. 1983 йили Ҳамидхон акамни менинг она юртим Қашқадарё вилоятига маҳаллий саноат Бошқармасига бош муҳандис қилиб тайинлашди. Юртимизда ҳунармандлик, тадбиркорликка йўл очилгач, бир куни хўжайиним: "Мебел ишлаб чиқарадиган кичик корхона очсак, янги, замонавий кўринишга эга бўлган мебеллар яратсак",-дедилар. Хурсанд бўлдим.

Ахир ёшлигимизда дарахтларнинг навига қараб, мебелларнинг антиқа шаклларини яратишни шундай орзу қилганмизки... Ниҳоят, "Қаршимебель" кичик корхонаси дунёга келди. Ижодий ишимиз энди йўлга тушаётган дамларда Ҳамидхон акамни бевақт ўлим орамиздан олиб кетди.

Ҳамидхон акам менга устоз, маслакдош, дўст ва 4 фарзандимнинг меҳрибон отаси эди...

Корхона раҳбарлигини ўз қўлимга олишга тўғри келди. Ўтган давр мобайнида дастгоҳлар сонини ошириб, ишчилар сафини кенгайтиришга эришдик. Ишлаб чиқарилаётган мебеллар доирасини янада кенгайтирдик. Энди орзуимиз - биз ишлаб чиқарган мебеллар жаҳон бозорлари стандартига мос келиб, обрў қозонса, ўз харидорларини топса...

**Ҳамидхон Комилов номидаги "Қаршимебель" ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамият бошлиғи Саломатхон Комилованинг хайрли ишларига биз ҳам омад тиладик. Зеро шундай ишбилармонлар билан юртимиз равнақ топаверади.**

**САНОБАР**




# КЎПНИНГ ДУОСИ - КЎПРИК



Жиззах шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Матлуба Орифжонова билан "Ёшлик маҳалласи фуқаролик йиғини диний, маърифий ва маънавий, ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Хосият опа Пармоновани сўроқлаб боракнмиз:

- Опа ҳамиша катта ишларни бошлаб юради,-дея қувониб сўзлади ҳамроҳим. - Фуқаролик йиғини идораси ёнидаги ташландиқ бўлиб ётган жойни тузатиб, 10 хонадан иборат маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурди. Унинг ёнидаги тўйхона ва болалар спорт зали биноси қурилишига ҳам бош-қош. Бу - маҳалла аҳли, болалари учун етиб бўлмаётган орзу эди. "Замин" банкидан 10 млн. сўм қарз олиб, ёнига тадбиркорликдан орттирган маблағини ҳам қўшди.

- 1996 йилдан "Нормурод ота" савдо ишлаб чиқариш фирмасини ташкил қилдим. (Фирмани қайнотамнинг номларига қўйдим),-дейди Хосият Пармонова. Навоий вилоятидан қурилиш хом ашёси олиб келиб, ўзимиз ишлаб чиқардик. Сўнг турмуш ўртоғим Қаҳрамон ака ва ўғлим Баҳриддин билан "Шаҳриёр омад" масъулияти чекланган жамиятини очдик. У орқали аҳолига халқ истеъмоли моллари озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бераяпмиз. Шу билан бирга компьютер хизматини ҳам йўлга қўйдик. Ниятим - одамларни иш билан таъминлаш, оғирини енгил қилиш, уларнинг дуосини олишдир. Ўзим Навоий вилоятининг Конимех туманида туғилганман. СамДУнинг инглиз тили бўлимида таҳсил олдим. 4 та тилни биламан. Турмуш ўртоғим (иқтисодчи) билан Жиззахга ишга келгач, 21 йил маориф соҳасида ишладим. 1998 йилдан биринчи бўлиб, тадбиркор аёллар ассоциациясига аъзо бўлдим.

- Хосият опанинг маҳаллада амалга ошираётган ҳамма тадбирлари, хайрия ишлари ўз ҳисобидан,-суҳбатга аралашади Матлуба Пармонова. - Кексайиб қолган Турсуной Жўраеванинг ўғлини ҳам барча ҳаражатларни ўзи қилиб, уйлантириб қўйди. Ёрдам сўраб келганларни қуруқ қайтарганини эшитмаганмиз.

Хосият Пармонова номзоди Жиззах вилоят кенгашига 4-Талаба округидан депутатликка номзоди қўйилган экан. Бирники мингга, мингники туманга, дейишади. Хосият опага яхшилик сари кўпнинг дуоси кўприк бўлишига тилакдошмиз.

**С. ФАХРИДДИНОВА**

# ЭНГ МУНОСИБЛАРГА ОВОЗ БЕРАЙЛИК!




2004 йил 10 декабр куни Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитасининг 1-Бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари З.Ботированинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш юзасидан хотин-қизлар Қўмиталарининг вазифалари тўғрисида"ги маърузаси тингланди.

Маърузачи "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги қонунининг 22-моддасига "Хотин-қизларининг сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликкка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим", деган таҳрирдаги ўзгаришлар - Ўзбекистон ҳукумати ва шахсан юртбошимиз И.А.Каримов томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш мақсадида яратилган реал имконият ва юксак ишонч, шу билан бирга аёллар учун катта синов ва машаққатли вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси сайловларда аёллар номзодларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Марказий сайлов комиссияси ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказилаётган сайлов тадбирларида фаол иштирок этаётганлиги қайд этилда.

Йиғилишда шунингдек Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитаси раиси ўринбосари Н.Тўреева "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25-майдаги ПФ-3434-сонли Фармони амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳукумат Қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастури ҳамда Ҳаракат дастуридаги вазифаларнинг амалга оширилиши мониторинги тўғрисида" маъруза қилди.

Маърузада бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганлиги қайд этилди. Жумладан, хотин-қизлар қўмиталари малакали кадрлар билан таъминланди, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари таркибида диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар тайинланди. Барча бошланғич, шаҳар ва туман вилоят хотин-қизлар қўмиталарида ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилиб, Ҳаракат дастурлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Янги Устави қабул қилинди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларнинг яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда оилалар патронажи мунтазам равишда олиб борилмоқда. Қўмита ходимлари ҳар бир оилага кириб бориш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш мақсадида ҳудудларда учрашувлар, семинарлар, суҳбатлар, инсонпарварлик-гуманитар поездини ташкил этдилар.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини ошириш, аёллар ўртасида миллий-диний анъаналар ва урф-одатларни тўғри тарғиб қилиш, ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, қизларни спортга жалб этиш каби масалалар бўйича кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан бадиий гимнастика бўйича "Шарқ гўзали", синхрон сузиш бўйича "Сув париси" халқаро турнирлари, Ўзбекистон Кубоги учун бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, стол тенниси бўйича ва бошқа нуфузли турнирлар ўтказилди.

Хотин-қизлар қўмиталари ва "Тадбиркор аёл" уюшмаси хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларга кредитлар ажратиш, фермер аёлларга шароит яратиш жараёнлари ўрганилиб ўз таклифларини ва кўмагини бермоқдалар.

Йиғилишда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари томонидан Ҳаракат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан айрим камчиликлар ва муаммолар мавжудлиги қайд этилди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси бошқарув йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан қизғин мунозаралар бўлди, тегишли қарорлар қабул қилинди. Айниқса 26 декабр—сайловлар кунида аёллар-онахону опа-сингиллар ҳар вақтдагидан ҳам кўра фаолроқ бўлишларини таъминлаш учун хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалардаги диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, барча фаоллар тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришлари лозимлиги таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз**



# ҚАЛБЛАРГА ЗИЁ УЛАШИБ...

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига 51-Мирзо Юсуф сайлов округидан номзоди қўйилган Рустам Қосимов ўз жамоасида ҳам, маҳалласида ҳам, дўсту қадрдонлари даврасида ҳам қадрли, эъзозлидир. Инсонга ўзгалар томонидан ихлос, эъзозу ҳурмат ўз-ўзидан кўрсатилмайди.

Касб-корингни ипидан игнасигача эгаллаган бўлсанг, меҳнатинг самарасидан нафақат бир ўзинг ёки оиланг, балки кўпчиликнинг ҳаётига наф-барака бахш этаётган бўлсанг, жамоанинг, маҳалла-кўйнинг яхши-ёмон кунида бирдай бор бўлсанг - эл-авлод ана шундагина сени тан олади, сенинг сўзингни инобатга олади, ортингдан эргашади. Республика "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси Бош директори Рустам Қосимов корхонада тартиб-интизом ҳукм суришини яхши кўради, ишни қатъий режа асосида ташкил этади, шиори - сўз ва иш бирлиги...

Айни кунларда у сайлов олди дастурлари ва режалари билан ўз сайловчиларини таништираяпти.

**- Рустам Саидович, дастурингиздаги асосий масалалар ҳақида гапириб берсангиз...**

- Мамлакатимизда юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг соғлом ва ҳар томонлама етук бўлиши учун талай ишлар қилинмоқда. Ёш авлодга кўрсатилаётган бундай эътибор, ғамхўрликлар яқин келажакда ҳаётимизда ўзининг ҳаётбахш самарасини кўрсатишига мен ҳам қатъий ишонаман. Шу сабаб, мактаблардаги спорт заллари ва майдончалари, маҳаллалардаги спорт иншоотларини таъмирлаш, янгиларини қуриш ишларига ёрдам беришни дастуримга киритганман.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиши, дунёга танилиши, асосан билимли ёшларга боғлиқ. Олий ўқув даргоҳларида шартнома асосида билим олаётган, кам таъминланган оилаларнинг истеъдодли фарзандларини қўллаб-қувватлаш учун жамоатчилик жамғармаларини тузиб, уларга ёрдам бериш лозим, деган фикрдаман. Ёшларни иш билан таъминласак, уларнинг жиноятчилик кўчасига кириб кетмаслиги, гиёҳвандлик каби иллатларга берилишининг олдини оламиз.




Давлатимиз йил сайин ривожланиб борар экан давр талаби ҳам ўзгаради. Иқтисодий ўзгаришлар эса ҳар бир раҳбардан пишиқ-пухта иш юритиб, ўзи бошқараётган корхонани таназзулдан сақлаб қолишни талаб қилади. Ишчи-хизматчиларнинг иш ўрнини сақлаш, маошлари вақтида берилишини таъминлаш ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш лозим. Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳамлашга кўмаклашиш дастуримда асосий ўрин эгаллаган.

Аслида шу кунгача ҳам маънавият, маърифат йўлида хизмат қилаётган Рустам Қосимовнинг кўнглида эзгу мақсадлари кўп.

Унинг хайрли ниятлари албатта ижобат топишини тилаб қоламиз.

**Б. САЙДАЛИЕВА**



# ЭЗГУЛИК КАМАРИН БОҒЛАГАН АЁЛ

Оналари қайтиш қилганда Робия 6-синфда ўқир эди. Улар тўрт фарзанд эдилар: акаси, опаси, укаси. Асли зуваласи пишиққина фарзандларни тақдир синови янада пишитди. Абдуғани ака 13 яшар қизи пиширган нонларни кўриб, кўзлари ёшланар эди.

Ҳаётда қийинчиликларни кўп кўрган кишиларнинг дийдаси қаттиқ бўлади, дейишади. Абдуғани ҳожининг фарзандлари ниҳоятда меҳрибон, кўнгилчан бўлиб ўсишди. Айниқса Робияси!.. Унинг ғайрати, ўктамлигини кўрган одам бу қиз бир парча гўдаклигидан она меҳрига зор бўлиб, армон билан ўсганлигини сираям сезмас эди. Аслида эса уни ўша армонлар улғайтириб қўйган эди.

Мактабдаям, институтда ҳам фаол эди. Депутатлик унинг қисматимиди, талабалик йилларидаёқ уни шаҳар кенгашига депутат қилиб сайлашган...

Робия 10 йил Термиздаги энг йирик ўрта мактаблардан бирида оддий ўқитувчи бўлиб ишлади, 2 йил ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлди.

Бу йиллар унинг учун катта дорилфунун бўлди. У бу дорифунунда ҳаётни, одамларни ўрганди. Бу йилларда қилган хизматлари учун элга танилди, уни эл тан олди. Сурхондарёдаги энг катта илм ўчоқларидан бири — шоир Теша Сайдалиев номли мактабга директор қилиб тайинланиши, аввал шаҳар кенгашига, сўнг Олий Мажлисга депутат қилиб сайланиши ҳам ана шу йилларда қилган ҳалол хизматларининг меваси эди.

Робия Каттаева депутат сифатида минглаб юртдошларига кўмакдош бўлди. Ақли, маслаҳатлари билан кимнингдир ўчоғига ўт бўлди, кимнингдир қозонига гўшт-ёғ, дастурхонига нон бўлди, бошига бош-пана бўлди. Мактаб, рўзғор ташвишларидан ортиб, юзлаб суд ишларида иштирок этди. Шаҳарни ободонлаштириш, аҳолининг сув, газ эҳтиёжларини қондириш масалалари бўйича елиб-югурди. Бу ишлар билан бирга оила, оналик бурчини ҳам унутгани йўқ. Уч фарзанди олий мактаб, икки фарзанди нафис санъат лицейи талабаси.

Яқинда уни Термиз шаҳар халқ таълими бўлими мудири этиб тайинладилар. Бу тайинланувдан бироз ранжиганлар ҳам бўлди: "Э-э... Энди чатоқ бўлди. Бу аёл билан бирон жойда "чой"лашиб бўлмаса... Унга фақат иш керак, у фақат иш талаб қилади".

Ўша "ранжиган" кишилар ҳам Робия Каттаеванинг номзоди 65-Термиз сайлов округидан қонунчилик палатасига қўйилганини эшитиб, астойдил хурсанд бўлишди: "Энг муносиб номзод асли шу киши", дейишди улар.

Унинг номзодини қўйган Ўзбекистон халқ демократик партия вакиллари ҳам "Робия Каттаева партиямизга обрў олиб келадиган номзод", дея ишонч билдиришмоқда.

Олдинда эса катта кураш майдони. Бу майдонга ҳамма элим-юртим деб, фарзандларнинг бахту камоли деб тушади. Робия Каттаеванинг ҳам номзод сифатидаги энг катта орзуси, мақсади шу.

**Жамила ЭРГАШЕВА**

# БУВАЙДАНИНГ МАЛОҲАТИ



Малоҳатхон 7-синфда ўқиётганида дадаси вафот этди. 5 фарзанд билан бўзлаб қолган Арофатхон ая турмушнинг ҳамма "мушт"ларига чидади. Саминжон аканинг орзуларини амалга оширди. Эътиқод, садоқат, меҳр-муҳаббат , меҳнатсеварлик хислатлари Малоҳатга онасидан юққан.

У мактабни "аъло" баҳоларга битириб, Қўқон Давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Охирги курсда турмушга чиқди. 1993 йил тўнғич фарзанди Ойбек туғилди. Худди шу йили Малоҳатхон мактабда иш бошлади. Табиатан шижоатли, ғайратли бўлганлиги учун ҳам Малоҳатхон тез орада Бувайда туманининг илғор ўқитувчилари сафидан ўрин олди. Бош эгаси Отабекжон унинг интилишларини қадрлайди, ёрдам беради.

Малоҳат эл ҳурматига сазовор устозларнинг тажрибасини ўрганди. Кейинчалик мактаб директори муовини бўлди. 2002 йилдан эса унга 51-мактаб директори вазифасини ишониб топширишди.

Катта жамоани бошқариш, унинг ишончини қозониш - улкан масъулият. Бутун ҳаётинг кафтдагидек, ҳамманинг назарида бўлади. Қайнона-қайнота қайнсингиллар, қўшнилар билан муомаладан тортиб, боласига нима деб танбеҳ беришингга қадар ҳамма кузатади. Демак, барча соҳада ибратли бўлишдек масъулиятнинг залворини кўтариб юриш зарур.

Малоҳатхон қайнонаси Мунавварxон аянинг "ўтидан кириб, кулидан чиқади". Уйнинг барча юмушларини қилишга улгуради. Оқшомлари вақт топиб, учта ўғлига китоб ўқиб беради.

Малоҳатхон раҳбарлик қилаётган мактаб нафақат туман, балки вилоятдаги энг намунали илм масканларидан биридир. Ота-оналар, маҳаллалар билан муносабатлар яхши йўлга қўйилган. Малоҳатхон Тиллаева номзоди либерал Демократик партиядан туман кенгаши депутатлигига кўрсатилган. Ўзига яраша бу синовда қаҳрамонимизга омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Ҳулкар ҲАМРОЕВА**



**Муборак Туропова - "Санам" журнали бош муҳаррири, тадбиркор, "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси" Тошкент шаҳар депутатлигига 51-Мирзо Юсуф округидан номзод этиб кўрсатилган.**

У шундай дейди:

- Японлар болага дастлаб балиқ ейишни эмас, балиқ тутишни ўргатишаркан... Менинг ниятим - боғчаларда ҳам ҳунар ўргатадиган тўгараклар очиш... Ҳозир ўзим ташкил қилган "Санам" журнали қошида "Фасон" ўқув марказини ишга туширганман. Ушбу Марказда балоғат ёшидаги қизлар ҳамда ёш уй бекалари бир неча йўналишларда ҳунар ўрганадилар. Яқин кунларда ўқув марказининг яна бир филиали иш бошлаш арафасида. Бу - ўнлаб хотин-қизларимиз иш билан таъминланади, дегани. Шу билан бирга Чилонзор туманида кўзи ожиз болаларни ҳам бепул ўқитаяпмиз. Мазкур тумандаги Хлебушкина номли 22-болалар уйига бориб, тикувчиликдан сабоқ бераяпмиз.

# САНАМЛАРДАН БИРИ

Ойим Шарофат ая (ҳозир 65 ёшдалар) Қўғирчоқ ишлаб чиқариш фабрикасида ишлардилар. Биз ҳам бориб ойимга қўғирчоқ тикишга ёрдам берардик.

1995 йилгача - фарзандларимнинг суяги қотгунча уйда тикувчилик цехи очиб, аёлларни ишга жалб қилдим. Кийимларни ўзим бичиб, ўзим тикаман. Ҳар бир одамнинг ўз бичими бор. Шунинг учун андозадан фойдаланмайман. Бу орада дизайнерликни ҳам ўрганиб олдим. "Санам" журналини ташкил қилиш ҳақидаги ният "Мулкдор" газетасида ишлаган йилларимда туғилган. 1998 йил бу орзуйим ҳам ушалди. Журнал саҳифаларида ҳозирги замон аёлининг ютуқларини, уларни қийнаётган муаммоларни, долзарб мавзуларни ёритиб келаяпмиз.

Аёл ўз ҳуқуқини таниши учун, ҳуқуқшунос маслаҳатларини бериб борамиз. Тиббий кўрик, никоҳ шартномаларига эътиборни кучайтираяпмиз.

Энди эса эркаклар учун журнал чиқариш тараддудида юрибман. Зеро аёл эркакни, эркак аёлни қанчалик тушунса, муаммоларидан воқиф бўлса, уни тўлалигача кашф қилолса, оила ҳам, жамият ҳам тинч бўлади.

Турмуш ўртоғим Баҳодир ака билан 3 нафар фарзандимизга доим меҳнат қилиб "нон" ейишни уқтирамиз.

Истагим - Аёл борки, "Санам"лик тахтининг маликаси бўлиб қолсин!

**С. ФАХРИДДИНОВА ёзиб олди.**

# ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН ШОИР



Эл ардоқлаган, иқтидорли шоир Тўра Сулаймон 70 ёшга тўлди. Шоир ижоди серқирра, ўндан ортиқ ўлмас ўқимишли достонлари бор. Уларда Тўра Сулаймон дардлари, орзулари, армонлари акс этган. «Истар кўнгил», «Мен қайга борар бўлсам»..., «Интизор», «Илтижо», «Сизни эслайман», «Қора кўзгинам», «Гулшан», «Сарвиноз», «Гул бир ён, чаман бир ён» каби тўпламларидаги ҳар бир шеър ёниқ қалб маҳсули. Юзлаб шеърлари қўшиқ бўлиб мухлислари кўнглини асир этган. Тўра Сулаймон Гулистон Давлат Университети профессори. У ўнлаб илмий мақолалар муаллифидир. Олимнинг тил ҳақида, урф-одатларимиз, ҳаётимиздаги оғриқ нуқталар ҳақидаги мақолалари кўпчиликнинг эътиборини қозонган.

Таниқли адиб, шоир ва олим Тўра Сулаймонни хуш айёмлари билан қизғин муборакбод этамиз.

## УСТОЗЛАР ШОИР ҲАҚИДА

... Тўра шеърларининг ўта халқона оҳангда ёзилиши олимлар, ҳалиги... шунослар томонидан тан олинганлиги барчага маълум. Тўра халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиётни бир-бирига пайванд қила билди. Ва ўзича янги бир мактаб очди. Айтиш мумкин бўлса: бу - унинг адабиётимиз ривожига қўшган энг катта ҳиссаси.

**МИРТЕМИР**
**21.V.1997 йил**

* * *

Тўра Сулаймон ўзига хос, ҳеч кимга ўхшамаган, халқона лутфли шиор. Буни унинг ўзи гўзал айтган:

***Йўлим тўғри, йўригим ҳақдир,***
***Улкан йўлдан кетиб бораман.***
***Бировлардан қолиб орқада,***
***Бировлардан ўтиб бораман.***

Тўранинг пуч шеъри деярли кам бўлади. Одамлар қалбини, фикри-хаёлини теран куйлайди, табиатни гўзал васф этади.

**Туроб ТЎЛА**
**1987 йил.**

...Мен Сизнинг ижодингизга эътибор бермай келган эканман. Ўқиб қониқиш ҳосил қилдим. Буни чинакам халқона усул дейдилар. Ўзи Сиздай кўнгли оқ, ҳам йўли ойдин; қўли тоза, қалби ҳам тоза ижодкорларимиз бармоқ билан санарли. Эшитишимга қараганда пойтахтдан йироқда яшаётганингиздан бирдабирда ўкинар экансиз. Бироқ сиз ҳам бизнинг, ҳам элнинг кўнглига яқин кишисиз...

**Сарвар АЗИМОВ (имзо).**
**1992 йил. июль.**

* * *

... Мен сизнинг садоқатли, покиза ва илҳомли қалбингизни ҳурмат қиламан. Мен сизнинг негадир ҳамон панада қолиб келаётган, ўз негизини халқ қалбидан, табиат бағридан ва Сизнинг жўшқин қалбингиздан оладиган, шулардан яраладиган ижодингизни, ҳеч кимнинг қаламига ўхшамайдиган қаламингизни ҳурмат қиламан ва яхши кўраман.

**Сизнинг ЗУЛФИЯ**
**1974-йил ноябр**

### МУҲАББАТ ДЕГАНИ СЕН БЎЛМА ЯНА

*Бу бошимга не бир савдолар солган,*
*Қутулиб бўлмас бир ғавғолар солган,*
*Кўнгилга битмас бир раҳналар солган,*
*Муҳаббат дегани сен бўлма яна.*

*Бирларда айирган эс-ҳушларимдан,*
*Қайта сўниб, қайта ёнишларимдан,*
*Саҳро кезиб топган қўнишларимдан,*
*Муҳаббат дегани сен бўлма яна?*

*Бирда қон, бирларда нурга йўғрилган,*
*Шоҳлар даргоҳидан бирда қувилган,*
*Бирларда куллари кўкка соврилган,*
*Муҳаббат дегани сен бўлма яна.*

*Қонга айлантирган кўз ёшларимни,*
*Тошга айлантирган болишларимни,*
*Эшитмасдан туриб нолишларимни,*
*Муҳаббат дегани сен бўлма яна.*

*Бирда элга қўшиб, элдан чиқазган,*
*Девона, далли қиб диндан чиқазган,*
*Ғилмон-ҳурлар юрган йўлдан чиқазган,*
*Муҳаббат дегани сен бўлма яна.*

### САЖДАГОҲ

*Киндик қоним томган саждагоҳимсан,*
*Икки олам чеки-бардаргоҳимсан.*
*Учиб-қўнар жойим-қўналгоҳимсан,*
*Жон бера билмасмен сендин бўлакка.*

*Оҳу зорим етиб-етмай фалакка,*
*Ёвлар қуршовида қолсам-да якка.*
*Хорлик етса ҳамки суяк-суякка,*
*Жон бера билмасмен сендин бўлакка.*

*Бағрингда ётмоқлик қилмаса насиб,*
*Қузғуннинг қисмати менга муносиб.*
*Тана бирла тупроқ асли таносиб,*
*Жон бера билмасмен сендин бўлакка.*

*Оғоч отга минсам бўзлаб қолар ким?*
*Юрган йўлларимни излаб қолар ким?*
*Мендин не илинжлар кўзлаб қолар ким?*
*Жон бера билмасмен сендин бўлакка.*

*Қайдан келиб, ёраб, кетурмиз қайга,*
*Югуриб-елиш йўқ беташвиш жойга.*
*Барчага бирдай жой-бойга, гадойга,*
*Жон бера билмасмен сендин бўлакка.*

*Рўзи маҳшаргача бирга бўларим,*
*Майса, гиёҳ бўлиб бирга ўнарим.*
*Бирга ёниб мудом бирга сўнарим,*
*Жон бера билмасмен сендин бўлакка.*

### СЕНСИЗ

*Тонгларим отмас сенсиз,*
*Кунларим ўтмас сенсиз.*
*Қора шарпа, кўланка*
*Бошимдан кетмас сенсиз.*

*Савдойи бўлам сенсиз,*
*Куз келмай сўлам сенсиз.*
*Сенинг қўлингда жоним,*
*Беажал ўлам сенсиз.*

*Сен қайдаю, мен қайда,*
*Сенга етар кун қайда!*
*Дастингдан далли бўлган,*
*Менингдек юпун қайда!*

*Ҳолим не кечар сенсиз,*
*Чироғим ўчар сенсиз.*
*Минг бир дард, балоларга*
*Бўларман дучор сенсиз.*

*Тошмен, тупроқмен сенсиз,*
*Қалби қуроқмен сенсиз.*
*На дарвеш, на қаландар,*
*Ҳақдин йироқмен сенсиз.*

*Ҳаёт бекарам сенсиз,*
*Танда йўқ ором сенсиз.*
*Бу дунё бошдин оёқ,*
*Менинг-чун ҳаром сенсиз.*

***Тўра СУЛАЙМОН,***
***Ўзбекистон халқ шоири.***

# КАТТА ОИЛАНИНГ КЎРКИ



Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Оброн қишлоғида бир момо яшайди. Уни қишлоқдошлари шоир момо, пари момо дейишади. Ёнига борсангиз кетолмайсиз, суҳбатидан кўнгил узолмайсиз, дилингиз яйрайди, дардларингиз арийди. Фариштаси бор момонинг. Айланиб ўргиладиган, бир гапириб ўн куладиган Ҳамро момонинг аслида армонлари кўп. "Отамни кўрмаганман. Раҳматликни қулоқ қилишганларида энамни қорнида эканман. Қайтиб келмадилар. Етимлик ҳеч кимнинг бошига тушмасин-а. Энам шўрлик кута-кута тақдирга тан бердилар"... Яратган суйган бандаларини сийлайди. Ҳамро момонинг онаси Улуғ момога номидайин улуғ ёш ато этди. Ҳозир Улуғ момо 105 ёшни қаршиламоқда. 75 ёшли шоир қизини алқаб яшаяпти.

Юракка тошдек чўккан армон, сўнгги йўқ соғинч ахийри кўнглига сиғмайди. Қоғозга шеър бўлиб тўкилди. Ҳамро момо айтолмаган дардларини, шукроналарини сатрларга тизади:

*Ғанимлик ёмон ўт бўлур,*
*Бўғинга тушган қурт бўлур,*
*Обод юртдан кўнгил тўлур,*
*Барча эркин ўйнаб-кулур.*
*Ҳурлигимга кўз тегмасин илоҳим,*
*Юртбошини ўзинг асра, худойим.*

Ушоққина шу момонинг 13 фарзандни дунёга келтириб, катта қилганига ишонгингиз келмайди. Ҳа, Ҳамро момо Ғаниеванинг 10 ўғли, 3 қизи бор, байрам кунлари момонинг уйи бозор бўлиб кетади. 60 невара, 25 чевара даврасида ўзи ҳам боладайин яйрайди. "Шуларнинг борига шукр, умрини борсин илойим", дея шукроналар келтиради.

Ҳамро момо ширали, ниҳоятда майин ёқимли овоз соҳибаси ҳам.

- Худо бераман деса, қўш қўллаб беради, - дейди ҳазиллашиб. - Илгарилари бундай очиқ-ойдин қўшиқ айтолмасдик, шеър ёзолмасдик. Айниқса, юртимиз мустақил бўлганидан сўнг менинг қалбимга қандайдир илҳом париси киргандай бўлди. Шу сабабли ҳам мустақилликка атаб ушбу шеъримни ёзгандим, - дея шеър айтиб кетдилар момо.

*Юртим жаннатсан гўё,*
*Ҳар дилга тарқар зиё.*
*Таниди бизни дунё,*
*Мустақиллик туфайли.*
*Ярашади ҳашарлар,*
*Дилдан куйланг ашъорлар.*
*Кўркамлашди шаҳарлар,*
*Мустақиллик туфайли.*
*Ишбилармон бой бўлди,*
*Ёшлар гижинг той бўлди.*
*Юзлар тўлин ой бўлди,*
*Мустақиллик туфайли.*
*Ғамхўрликдан кўнгил шод,*
*Кексайсам-да, дил обод.*
*Этилди боболар ёд,*
*Мустақиллик туфайли.*
*Мустақиллик бор бўлсин,*
*Юртим гулларга тўлсин.*
*Шу юртда яшаганни,*
*Доимо бахти кулсин.*

Ҳамро момонинг гоҳ кулиб, гоҳ кўзларида ёш қуйилиб, айтганларини, хотираларини тинглаб: "Бежиз шоир бўлмаган пари момо", дейсиз. Момо яқинда 75 ёшни қаршилайди. Лекин унинг қалбини ёшлик илҳоми тарк этгани йўқ. У халқ йўлида термалар ёзишда давом этмоқда. Унинг ижод намуналари Абдулла Қодирий халқ мероси нашриётида 1999 йили чоп этилган "Мунаввар ёғдулар" тўпламига киритилган "Ҳурлигимга кўз тегмасин илоҳим" шеърида шундай ёзади у:

*Ой боради ботгали,*
*Тонг келади отгали,*
*Мустақиллик болидан*
*Келаверинг тотгали.*

Ҳамро момолар оиласи қишлоқда энг ибратли хонадон ҳисобланади. Ўғил-қизларни, невара-чевараларни, келинларни тотувликка даъват этадиган, қишлоқ тўй маъракаларига бош-қош бўладиган бу тиниб-тинчимас онахондан ҳамма миннатдор.

Ҳамро момо умр йўлдоши раҳматлик Темир бобо Ҳамроев билан кўп йиллар умргузаронлик қилиб 13 нафар фарзандларни тарбиялаб вояга етказишди. Уларнинг ҳаммаси ишлаб-чиқаришнинг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Жумладан тўнғич фарзанди Қаҳрамон-механизатор, Шавкат-фермер, Шовдур-йўл қурилиш участкаси бошлиғи, Шойим-фермер, Шавқи-ҳайдовчи, Юсуф-оператор, Ҳамза-милиционер, Ҳасан-ҳайдовчи, Насим-қурувчи, Қайим-ҳисобчи бўлиб хизмат қилишади. Қизлари Қумриой, Марусаой ва Зуҳраойлар эса уй бекаларидир.

Ҳа, катта оиланинг кўрки бўлмиш Ҳамро момо Ғаниева бундан кейин ҳам қалами ёзишдан тўхтамайди. Насиб бўлса ҳали у кишининг китобларини ўқиймиз. Сизга ҳамиша баркамоллик, Ҳамро момо!

**Ёрқин ЭШМАТОВ,**
**Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.**

# СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ВА СОҒЛОМ ОИЛА

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси, ҳамда БМТнинг Аҳолишунослик (UNFPA) жамғармаси ҳамкорлигида хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Ўсмирлар репродуктив саломатлигини ижтимоий ва сиёсий қўллаб-қувватлашни ошириш" дастури доирасида шу йил 26 ноябр куни репродуктив саломатлик ва репродуктив ҳуқуқ масалаларига бағишланган семинар-учрашув ўтказилди.

Шундай тадбирлар сирасига кирган "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш" мавзусидаги плакатлар кўриги ҳам вилоятлар ва республика босқичларида бўлиб ўтди.

Республика босқичида 96 нафар ўсмир ва ёшлардан 6 нафарининг плакатлари танлаб олинди.

Самарқанд вилояти Нарпай тумани 57-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Тоштурдиев Худойназар, Андижон вилояти Избоскан тумани Тасвирий ва амалий санъат лицейи 8-синф ўқувчиси Маматқулов Қодир, Тошкент вилояти Чиноз туманидан Абдурашидова Диёра, Қорақалпоғистон Республикаси Тасвирий ва амалий лицей-интернат ўқувчиси Алжанов Муса, Андижон вилояти Олтинкўл туманидан, эркин ижодкор Деҳқонов Гурзодбек, Навоий вилояти Кармана тумани Б.Эсонов номли 6-ўрта мактаб ўқитувчиси Сирожова Лайло 1 ва 2-ўрин совриндорлари бўлишди.

# Отанинг Ҳатоси

- Синглим! 15 йил бир ёстиққа бош қўйиб, яшаб келаётган турмуш ўртоғингиз тўсатдан ўзгариб қолса, қандай хаёлга борар эдингиз? - дея ўз суҳбатини савол билан бошлади таҳририятга ташриф буюрган Хуршида исмли аёл.

**- Ота-онангиз, қариндош-уруғингиздан олисда яшайсизми?**

- Асли тошкентликман. Хўжайиним эса Қашқадарёдан. Ота-онам, опа-сингилларимга яқин жойда яшаймиз. Тиббиёт олийгоҳида ўқиб юрган кезларимда Адҳам акам билан севишиб қолдик. Ота-онамнинг норозиликларига қарамай, унга турмушга чиққандим. Уни севардим. У билан ҳаётда қўша-қариш насиб этади, деб жуда ишонардим. Лекин, бунинг учун севги-муҳаббатнинг ўзи камлик қиларкан. Икки нафар қизим дунёга келганидан кейин ҳам анчагача бахтли ҳаёт кечирдик. Хўжайиним ҳар доим: "Сенга ишонаман, сен яхши аёлсан", - деб кўнглимни кўтариб, мени севишини бот-бот такрорлаб турарди. Оила даврасида енгил табиатли аёллар ҳақида гап очиб қолсам бу ҳақда гапирмаслигимни талаб қиларди. Аёлларга кўпам қизиқадиган эркак эмаслигини билганим сайин унга меҳрим ортарди. У шаҳримиздаги шифохоналардан бирида жарроҳ бўлиб ишларди. Омади чопдими учинчи фарзандимга ҳомиладорлигимда шифохона бош ҳакими лавозимига кўтарилди. Бир куни овқатланиб ўтириб: "Бизга бир Сайёра исмли ҳамшира қиз ишга келди, айтишларича қадам олиши сал бежороқ экан", - деб қолди. "Оиласи бормикан", - дея сўрасам, "ҳа, иккита боласи, қолаверса эри бор». Шунда мен:

- Ундан нарироқ юринг, яна ўзингиз ҳам қопқонга тушиб қолманг, - дея ҳазиллашдим. Бу орада ўғлим Беҳзод дунёга келди. Бироқ эрим ўғил кўрганидан хурсанд эмасди. Мен билан камроқ гаплашишга, иложи бўлса кўпроқ вақтини шифохонада ўтказишга ҳаракат қиларди. Уйга келса ҳам болани қўлига олмас, уни суюб эркаламасди. Бора-бора: "Бугун оғир операция бор, шифохонада қоламан", - деб телефон қилиб, икки-уч кунлаб уйга келмайдиган одат чиқарди. Рўзғор билан ҳам иши йўқ, бу орада бир ҳафта уйга келмай бегоналардан пул жўнатиб турди.



Бир куни ўғлимнинг иссиғи чиқиб, ҳеч ўзига келавермади. Шунда шифохонага қўнғироқ қилиб: "Адаси, уйга бир келиб кетинг. Беҳзод сизга ичикканга ўхшайди. Мазаси бўлмаяпти", - дедим. У уйга келиб болага қараш у ёқда турсин, ҳатто унинг аҳволини сўраб ҳам қўймади. Ҳе йўқ, бе йўқ: "Мен таътилга чиқдим, эртага Қашқадарёга кетаман", - деб қолди. Хафа бўлиб бир-иккита ножўя гаплар ҳам айтиб юбордим. Шунда у: "Сен ҳеч қўлингга ойнани олиб, башарангга қараганмисан? Дунёдаги энг ҳунук аёл сен бўлсанг керак", - деб юборди. Мен ҳам бўш келмадим: "Хўш, башарамга нима қилибди? Илгари ёқардим-ку! Нима, энди бошқасини топиб олиб мендан айб қидираяпсизми? Битта аёл бўлса менчалик бўлар", - дедим. Хуллас, жанжалнинг охири кўринмади. У бир сўм пул ҳам ташламай, хайр-маъзур ҳам қилмай, Қашқадарёга кетди. Шу кетганича бир ой йўқ бўлиб кетди. Уйда егани на нон бор, на картошка. Болаларимнинг кийимларини, ўзимга тегишли бир-иккита нарсаларни сотиб тирикчилик ўтказдим. Таниш-билишларимдан қарз сўрадим. Ота-онамга бориб муаммоларимни айтгандим: "Ўзинг пиширган ош, айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичавер. Биз сени тақдирингга аралашмаймиз", - дейишди. Шундан кейин бир ярим ёш боламни опаларига ташлаб ишга қайтдим. Мен ишлайдиган шифохона уйимиздан анча олис. У ерда соат 3 гача ишлаб, сўнг уйга қайтаман. Йигирма минг ойлигимга қўшимча равишда йўл чиптаси беришади. Ҳарна рўзғорга ёрдам, деб йўл чиптасини сотиб ишга пиёда бориб келаман. Болаларимнинг қорни тўймай қолмасин деб, эрталаб қуруқ чой ичиб, нонни уларга қолдираман. Хўжайиним Қашқадарёдан қайтгач, мен билан жанжаллашиб, уйдан нарсаларини олиб чиқиб кетди. Аввалига бир ҳафтада, кейин 4-5 кунда хабар олиб юрди. Ҳар келганида оёғига бош уриб йиғлайман. "Мен учун бўлмаса, болаларингиз учун шу уйда яшанг, улар отасиз ўсишмасин", - деб ялинаман. У бўлса бепарво. Ишлари юришмаётганини, вақтинчалик бирга яшай олмаслигини баҳона қилиб кетаверди. Бир куни шифохонага қўнғироқ қилиб эримнинг нега уйга келмаётганини таниш аёлдан сўрадим. У бўлса бағримни тилкалаб: "Ийи, ҳали ҳам бехабармисиз? Сайёранинг эри ўлгандан кейин эрингиз унга уйланиб олган-ку!", - деса бўладими?! Буни ўзим ҳам сезиб юрардим. Аммо унга айтишга ботинолмасдим. Хуллас унинг уйга келмай қўйишига ҳам кўникдим. Аммо, болаларим бунга чидай олишмасди. Ўзим эса кенгуруга ўхшаб ишдан уйга, уйдан бозорга қатнаб чарчамасдим. Бир куни ишдан келсам, катта қизим йиғлаб ўтирибди: "Нега йиғлаяпсан. Ким хафа қилди?" - десам, телевизорда берилган отаси ташлаб кетган болалар ҳақидаги "Оталар сўзи, ақлнинг кўзи" кўрсатувини кўриб йиғлаб ўтирган экан. Ўша куни хўжайинимга ялиниб-ёлвориб бир келиб кетишини илтимос қилдим. У келди ва: "Кийимларимни ҳаммасини олиб кетаман. Икки кундан сўнг Яман давлатига кетаяпман. Ўша ердан ишлаб сенларга пул жўнатиб тураман", - деди-ю, овқат ҳам емай чиқди-кетди.

Орадан уч кун ўтиб шифохонада ишлайдиган Лида исмли бир аёл қўнғироқ қилиб, эримнинг иккита фирмаси борлигини, ундан тушадиган фойдалар Сайёранинг номига ҳужжатлаштирилганлигини айтгач, чидаб туролмадим. Мен болаларимни бир амаллаб боқсаму, эрим эса бегона болаларни ортиғи билан таъминлаб қўйган бўлса? Айтинг, шу инсофданми, ахир?! Нега энди Сайёрадек "бахт ўғри"ларига бирор чора кўрилмайди?

**Сиз қўлингиздан келганча фарзандларингиз бошини силаб, кўнглини кўтариб яшайверинг. Эрингиз эса... Унинг ёзмиши ҳали олдинда. Уйингизнинг остонасидан бир киришга ҳам зор бўладиган вақти келади. Фарзандни соғиниб юрак-бағри эзилади. Негаки қайтар дунёнинг ўз одилона тош-тарозиси бор. Бунга ишонинг! Отанинг хатоси ҳали унга қимматга тушади.**

**Нигора ЙЎЛДОШЕВА**

## ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# Биз яхшилик тарафдоримиз

***- Ота-оналар фарзанди учун жонини фидо қилиши ҳақида жуда кўп эшитганман. Зарур бўлса ўзим ҳам икки нафар болам учун ҳамма нарсага тайёрман, - дея тўлиб-тошиб ҳаёти ҳақида гапираётган бу келинчакнинг гапини бўлгим келмади. У давом этарди.***

- Мирислом акам билан икки йил гаплашиб, синашдик. Лекин, у кишининг ота-онаси мени келин қилишга тиш-тироноқлари билан қаршилик кўрсатишди. Мени қаттиқ ҳимоя қилиб, «Барибир Мадинага уйланаман» - деб туриб олганидан сўнг, истар-истамас совчиликка келишди. Очиғини айтай, исталмаган келин бўлишдан кўра, бир умр тоқ ўтиб кетган афзал экан. Менинг бошимга бу хонадонда нелар тушмади, дейсиз? Айниқса, ҳайитнинг эртасига олиб келинган тоғораларнинг камлиги боис уйдан ҳайдалдим. Оғир бетобланиб етти ойлик боламдан айрилдим. Касалхонада кўп ётдим, аммо, бирон марта эримнинг уйидагилари кўргани келишмади. Айтишларича, уларга касалванд келин керак эмас экан. Анча вақт ота-онамникида юрдим. Лекин бахтим учун курашишим, оиламни тиклашим керак бўлгани учун яна қайнона-қайнотамнинг эшигига бош уриб бордим. Бор кучим билан рўзғор юмушларини бажариб, шу хонадоннинг ўтидан кириб кулидан чиқсам-да, бу ерда омонатлигимни ич-ичимдан ҳис этардим.

Бир куни кечқурун қайнонамнинг эримга : - Бу хотининг касал экан. Боласи ҳам нобуд бўлди. Энди туғмаса керак. Яхшиси ундан ажрашиб бошқа аёлга уйлангин,- деяётганини эшитиб қолдим. Аммо, эрим бечора жон-жаҳди билан менинг ёнимни оларди. Йиғладим. Аммо, Аллоҳ юзимни ёруғ қилиб, сал ўтмай ҳомиладор бўлганимни сездим.

Лекин бу ҳам уларнинг кўнглини эрита олмади. Эрим ижарага машина олиб таксичилик қила бошлади. Тошкентда яшашга қийналиб, Олмалиқ шаҳридан ижарага уй олиб яшай бошладик. Мен бу орада иккинчи фарзандимни, ўғлимни туғдим. Ижарада яшашдан қийналиб кетганимиз учун, қайнона-қайнотамнинг оёғига бош уриб ялиндим. Қайтиб келиб эримнинг ота-онаси билан яшай бошладик. Ҳар куни бошимга тушадиган маломатларни-ку, айтмасам ҳам бўлади. Қайнонам : -Биз қариб қолганмиз. Сизларнинг шовқин-суронингиз ёқмаяпти,- дейишарди. Охири яна ижарага чиқиб кетишга мажбур бўлдик. Ижарага пул топсак, овқатимизга пул топа олмасдик. Болаларим билан кўчага чиққим келмайди. Негаки улар болалигига бориб, нимани кўришса шуни олиб беришимни сўрашади. Шундай бўлса-да, учма-уч кунимизни кўриб тургандик. Аммо, ўтган йили эрим қамалиб қолди. Мен эса ижарада яшай олмай ота-онамнинг уйига қайтиб келдим. Уйда турмушга чиқмаган сингилларим бор. Шуларни ўйлаб ота-онам шўрлик мени ижарага чиқариб қўйишди. Ижара пулини тўлашиб, ҳар ҳафтада менга озиқ-овқат олиб беришади. Шу ерда яшаб турибман. Лекин қачонгача? Ахир болаларим қачонгача ижарада ўсишади. Менинг ҳам, уларнинг ҳам бир бош-панамиз бўлиши керак-ку! Эримнинг судида қайнона-қайнотамнинг менга айтмаган гаплари қолмади. Нима қилай? Айбим уларнинг ўғлини севганим, эримнинг айби эса, мендан бошқага уйланмагани, холос.

-Мен сизларга уларнинг устидан шикоят қилаётганим йўқ. Фақат бир нарсани тушунишни истайман. Бегона бир қиз уларнинг фарзандини жонидан ортиқ севиб, оиласини тиклаши, бузилмаслиги учун интилиши гуноҳми? Бунинг устига уларнинг икки нафар шириндан-ширин набираларини ўстираётганим учун айбдорманми? Болаларим бегона эмас, унинг ўғлининг фарзандлари-ку! Балки, менинг ўрнимда бошқа аёл бўлса, аллақачон эридан ажрашиб кетган бўларди. Аммо, мен учун никоҳим азиз, боларимнинг отаси қадрли.

Яқинда Зангиотада муддатини ўтаётган эримнинг олдига бордим. Азбаройи унинг аҳволини кўриб куйиб кетганимдан:- Адаси, нега шундай ишларга қўл урдингиз ахир? Мен бўлмасам болаларингизни ўйласангиз бўларди-ку! - деб йиғладим. Эрим ҳам эзилиб-эзилиб йиғлади.

- Мадина! Агар ўз уйим бўлса, ҳеч бўлмаганда ота-онамнинг уйида яшаганимда, бошимизда бош-панамиз бўлганида эди... Мен жиноятга қўл урмаган бўлардим. Ота-онам айтган қизга уйланмаганим учун иккимизнинг тақдиримизга шундай аччиқ кунлар тушди. Буёғи нима бўлади? Болаларимиз ҳар кимнинг эшигида улғаядиган бўлди энди,- дея афсус ва надоматлар қилди. Айтинглар, азизлар! Агар қайнона-қайнотам шу ўғлига, эримга озгина меҳр берганида шундай бўлармиди? Албатта йўқ!

- Ўғлининг ҳурмати учун болаларимни бир бор бағриларига ҳам босишмаган қайнона-қайнотамда ҳам айб борми? Ёки ҳар доим ёши катта бўлгани учун қайноналар бегуноҳу, келинлар ёш бўлгани учун айбдор бўлиб қолаверишадими? Аёл бири беш ёшлар атрофида, иккинчиси ҳали қўлида бўлган фарзандларини етаклаб хонамни тарк этганидан кейин мен у аёлнинг қайнонасига қўнғироқ қилдим. Қайнона билан ҳам анча гаплашдик.

Мен унга келини билан бўлган суҳбатимизни айтиб, шу гаплар ҳақидаги фикрини сўрадим. Аёл самимийлик билан :

-Синглим! Наҳотки мен ўз жигарбандимнинг ортидан келган қизга зулм қилсам? Эҳтимол у ёки бу юмушларни ўргатгандирман. Лекин ҳамма қайноналар ҳам ўз келинларининг эпчил бўлишини, хонадонини ораста қилиб, келинлик бахтига ярашиб ўтиришини истайди-да. Боламнинг бошига иш тушиб қамалиб қолганидан адойи тамом бўлиб ўтирибман-ку! Наҳотки унинг болаларини кўчага ҳайдасам? Уларнинг иккиси ҳам қуйиб қўйгандек боламга ўхшашади. Кўриб ҳам хурсанд бўламан, ҳам йиғлайман. Ҳар ойда ўғлимни кўриб келиб турибмиз. Келиним ижарада яшамасдан келиб шу ерда яшашига сира монелик қилмаганмиз. Нега деганда уйда эру хотин ва бир ўғлим билан яшаймиз, холос. Рўзғор юмушлари ўзимга қолган. Келиб қўлимдан ишимни олса, юмушимни қилмаса ҳам набираларимни бағримизга босиш бахтидан бенасиб этмаса нур устига аъло нур бўлади. Лекин, у ўзича ҳақ. Алоҳида яшашни истаса керак. Мана уй, мана жой, боламнинг болалари шу ерда югуриб-елиб кўзимизни қувнатиб юришини биз ҳам истаймиз. Ишонмасангиз келинг, маҳалладан ҳам сўранглар, - деди қайнона.

**Биз келин оқ, қайнона қора дейиш фикридан йироқмиз. Лекин, ҳозир ўғли қамалган қайнонага ҳам қийин. Ижарада яшаб турган келинга ҳам осон эмас. Биз ҳар икки томоннинг ўзаро келишиб яшашларининг тарафдоримиз. Азизлар, сизнингча, бу воқеада қандай йўл тутилса маъқул бўлади?**

**Басира САЙДАЛИЕВА**

Акс-садо

# ҲУНАРСИЗ КИШИ — ЎЛИМГА ЯҚИН

Бу мақолани ўқиб қўлидан бир иш келмайдиган ландовур эркакларга нафратим ошиб кетди.

Ўтган замонда бир подшох яшаган экан. Кунларнинг бирида у овга чиқибди-да, бир ўтинчининг гўзал қизини кўриб, севиб қолибди.

Подшоҳ томонидан келган совчиларга:

- Подшоҳингизнинг нима ҳунари бор, мен ҳунарли кишига турмушга чиқаман, - дебди қиз.

Совчилар: - Дунёда подшоҳликдан ҳам катта ҳунар бор эканми? Подшоҳ барча ҳунарли фуқаронинг отаси бўлади-ку, - дейишибди.

Қиз: - Менга ҳунарлиларнинг отаси эмас, ҳунарлининг ўзи керак. Замон зайли билан бугун подшоҳ бўлган киши эртага тиланчи бўлиб қолиши мумкин. Подшоҳингизга бориб айтинг, менга ҳунарини кўрсатсин, ундан сўнг тегаман,- дебди.

Совчилар қайтиб келиб, қизнинг жавобини айтибдилар. Подшоҳнинг бу сўзларга аччиғи келиб, қизни ўлдирмоқчи бўлибди-ю, бироқ севгиси бунга йўл бермабди. Нима қиларини билмай, ўзини ўқитган муаллим билан кенгашибди. Муаллим подшоҳдан бу сўзларни эшитиб, кулиб юборибди. Шунда подшоҳнинг чунонам аччиғи чиқибдики, ҳатто, қизни муаллимнинг ёнига келтириб, ҳар иккисининг ҳам бошини олмоқчи бўлибди. Бироқ юрагидаги қизга бўлган севгиси яна йўлини тўсибди.

> **“Йигит кишига қирқ ҳунар оз” 48-сон**
>
> **ЭСЛАТМА: Уйимдаги бузилган буюмларни бир эркакка тузаттирдим. Бир гал у яна бир нарсани тўғирлаётганда, қайнонам билан қайним келишиб, мени бузуқликда айблашди. Ваҳоланки, бу ишларни қилиш эримнинг вазифаси эди.**
>
> **Муаллиф: БАСИРА**

Муаллим “Етмишта янги ҳунар”, деган китобни келтирибди-да, уни овоз чиқариб ўқибди. Бир жойдан: “Ҳунарсиз киши ўлимга яқиндир”, деган сўз чиқиб қолибди. Муаллим ҳам шу ерда китобни ёпибди-да:

- Қизнинг сўзи тўғри, ҳунарлига тегаман, деса, ҳаққи бор, - дебди.

Подшоҳнинг бир дардига яна минг дард қўшилибди. Муаллимга рухсат берибдида, бир ҳунар ўрганмоққа аҳд қилибди. Эртасига подшоҳ тахтига ўтирган чоғида бир киши чиройли гилам олиб келибди. Бу гиламни кўриши биланоқ подшоҳнинг кўнглига гилам тўқишни ўрганиш ҳаваси тушибди. Гиламчидан гилам тўқишни ўргатишни ўтиниб сўрабди. У подшоҳга йигирма беш кунда гилам тўқишни ўргатибди. Керакли нарсаларни тайёрлаб, подшоҳ ўз қўли билан гилам тўқиб, ўтинчининг қизига совчилардан бериб юборибди. Совчилар қизга подшоҳнинг ўз қўли билан тўқиган гиламини кўрсатганларида у:

- Мана, энди подшоҳ мен истаган киши бўлибди, бориб айтинглар, тўйни бошлайверсин, - дебди.

Подшоҳ тезда тўй қилиб, ўтинчининг қизини олибди. Ўша кунларда эл орасида таомининг лаззатлилиги билан бир кабобчининг донғи чиққан экан. Подшоҳга ҳам унинг кабоби ёқиб, кўнгли истаган чоғларда у ердан кабоб олдириб, ер экан.

Кунлардан бир куни ярим кечада подшоҳнинг кабоб егиси келиб қолибди, бориб кабобчининг дўконини тақиллатибди.

- Кимсан, нима ишинг бор?, - дебди кабобчи.

Подшоҳ:

- Мен бир мусофирман, қорним оч, кабоб егани келдим, - дебди.

Подшоҳ кабобчининг уйига кириб кўрпачага ўтирган экан, бирдан чуқур ертўлага йиқилиб кетибди. Ертўлада подшоҳдан бошқа бир нечта одамлар ҳам бор экан. Шунда у аниқ билибдики, кабобни одам гўштидан пиширар эканлар. Бу ерга мени ўлим ҳайдаб келган экан, дебди подшоҳ ва чидамоққа мажбур бўлибди.

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг гал подшоҳга етибди. Подшоҳ:

-. Агар сизнинг истагингиз ақча топиш бўлса, менинг яхши ҳунарим бор, йигирма кунда бир гилам тўқийман. У гиламни подшоҳга тортиқ қилсангиз, жуда кўп пул беради, - дебди кабобчининг одамларига.

Улар маслаҳатлашиб: “Ҳунаринг туфайли ўлимдан қутулдинг, бизларга гилам тўқиб бер”, дейишибди. Подшоҳ йигирма кун орасида бир гилам тўқиб, четига ёнидаги муҳрини босиб:

- Мана, гиламни подшоҳга тортиқ қилиб олиб боринг, - дебди. Кабобчилар гиламни подшоҳнинг ўрдасига олиб борибди. Вазир гиламнинг у ёқ-бу ёғини ағдариб кўриб, бир четидаги подшоҳнинг муҳрини кўриб қолибди. У дарҳол навкар йўллаб, кабобчининг маконини ўраб олиб, подшоҳ ва бошқа тутқунларни зиндондан қутқарибдилар. Подшоҳ халқни тўплаб, улар учун ибрат бўлсин, - деб одам гўштидан кабоб тайёрлаган кабобчиларни бозорнинг ўртасида дорга осдирибди. Ундан сўнг рафиқасининг ёнига кириб, унга миннатдорчилик билдириб:

- Ҳунарсиз киши ўлимга яқиндир, деган сўзинг чин экан. Бир ўлимдан қолдим. Сенга олқиш бўлсин, сенинг сўзинг билан ўрганган ҳунарим мени ўлимдан қутқарди, - дебди.

Синглим! Ҳеч хафа бўлманг. Кўрдингизми? Бу воқеанинг қандай кечганини? Ҳали қайнонангиз, эрингиз, қайнингиз ҳам сизга туҳ-



мат қилишгани учун кечирим сўрашади. Агар тушунган она бўлганида, ўғлига насиҳат қилиб: “Ўғлим! Сен қила олмаган ишни электрик келиб қилибди. Ўстирган отасига раҳмат!” - дейиши керак эди. Ўша сув қўшниникига тошиб кетганида нима бўларди? Сиз касал бўлиб тўшакда ётган экансиз. Оллоҳнинг ўзи электрикни ёрдамга юборган экан-да. Ахир сув балосидан - ўт балосидан ўзинг асра, - деган мақол бор халқимизда.

Эрингизга айтадиган гапим шу. Уй ишларини фақат хотинлар бажаради. Мен ишлаб пул топиб келиб оилани боқсам бўлди-да, дейдиган бўлсангиз хато қиласиз. Рўзғор—ғор. Бу рўзғор бир аёлга оғирлик қилади. Агар кўтара олмаса, у босиб қолиши аниқ. Эркак киши аёлига ёрдам бериши керак. Электрикнинг гапига қараганда сиз уйингизга ҳам, оилангизга ҳам бир назар солмас экансиз-да. Ахир эркакнинг вазифаси уйдаги бузилган буюмларни тузатиш эмасми? Шунинг учун электрикдан кечирим сўранг. Ота-оналарга маслаҳатим, ўғилларингизга одоб-аҳлоқ қоидаларини ўргатиш билан бир қаторда, ёшлигидан ҳунар ҳам ўргатиб боринг. Мен ҳамма болаларимга ёшликдан ҳунар ўргатмоқдаман. Бу эса уларнинг келгуси ҳаётида асқотади.

**Рустам СОИПОВ,**
**Тошкент вилояти, Паркент тумани.**

# БУ КУНЛАР ҲАМ ЎТАДИ



Н. опа, сизга маслаҳатим: ҳеч ҳам сиқилманг. Бу ўткинчи дунёда нималар бўлмайди, дейсиз?! Бу ҳам Оллоҳнинг сизга бўлган бир синови. Севишиб, қийинчиликлар билан бўлса-да, бир-бирига етишиб, бахтли яшаётганларни кўрсам, эшитсам, жуда хурсанд бўлиб кетаман ва уларга ҳавас қиламан. Ҳамма нарсанинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги-ю, уқубатлари бўлади. Ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтган инсон, албатта бахтли бўлади.

> ***“Менга буюрмаган бахт” -47-сон***
>
> **ЭСЛАТМА: Ёшим 22 да. Бир йигит билан севишиб аҳд-паймон боғладик. Аммо онаси ва акасининг таъсирида бошқа қизга уйланадиган бўлди. Менга буюрмаган бахт, бошқасига буюрармикан?**
>
> **Н. Тошкент шаҳри.**

Сиз ҳам бахтлисиз, шунча қийинчиликни бошингиздан ўтказиб сабр ила юрибсиз. Менинг ҳам сиз каби қийналган вақтларим бўлган. Ўқишда вақтимда, бир йигит севги изҳор қилиб юрар, мени севишини таниган-билганларга айтарди. Онасига ҳам мени севишини ва фақат менга уйланишини айтганида у киши менга қарши бўлган. Унинг онаси ҳам мени бирон марта кўрмаган, гаплашмаган, қанақалигимни билмасди ҳам. Лекин мен онасидан ҳеч ҳам хафамасдим. Чунки она барибир она-да, ўз боласига ёмонликни раво кўрмайди. Нафақат ёшлар, балки биз катталар ҳам ҳаётда адашамиз. У йигитнинг менга бўлган муносабатидан хафа бўлсамда, ота-онам борлигидан жуда бахтиёр эдим. Аммо ўша йигитни унутиб, айни ўйнаб куладиган 19 ёшимда отам, ота-онаси, сингилларининг гапига кириб, бизларни ташлаб кетган. Мен ўшанда кўчада бош кўтаролмай, дўстлар даврасига ҳам қўшилолмай жуда қийналиб озор чекканман. Кўчада юрсам, худди хаёлимда мени таниган-билганлар, сенинг отанг сизларни ташлаб кетдими? - дегандек туюларди. Мен ўша пайтлар “Оила ва жамият”нинг “Келинг дўстлашайлик” саҳифасига мактуб ёзиб, дўстлар орттирганман.

Турли вилоятлардан дўст орттирганим яхши бўлди. Агар отам бизни ташлаб кетиб қолмаганида, менинг ҳаётим умуман бошқача бўларди. Мен отамни ёмон одам демоқчимасман, демайман ҳам. Отамни ҳали ҳам яхши кўраман. Отамга фақат соғлиқ тилайман. Ҳозир ҳам отасиз, ота меҳрига зор бўлиб яшаётган бўлсамда, тириклигига шукр қилиб яшаяпман. Мен ҳам сиздан-да кучлироқ озор чекканман. Буни яширмайман, лекин барча қийинчиликларни енгиш учун ҳаракат қилиб, ҳаёт учун курашаяпман. Инсон сабрли ва иродали бўлиши, ўзига хулоса чиқариши учун ҳам шеърлар ўқиши керак. Ўзим севган шеърни сизга йўлламоқдаман. Ўйлайманки, сиз ҳам яшаш учун куч топасиз.

***Бу кунлар ўтади, ўтмаган кун йўқ,***
***Хушнуд кунлар келар, келарлар бир бор.***
***Соғинмоқ гўзалдир, гўзал изтироб,***
***Тарк этмоқ бахтсизлик, чидамоқ бахтдир.***
***Иккиси ҳам ожиз дилларга дарддир,***
***Соғиниб чашмингдан бўлсанг-да, жудо.***
***Билгинки, севмоқ ҳам, куймоқ ҳам бахтдир,***
***Эй инсон, ерда ҳам ўтирмоқ бахтдир.***
***Бу кунлар ҳам ўтар, ўтмаган кун йўқ,***
***Кўнгил сабр қилса, кетмаган ғам йўқ.***

Бир ривоятда пайғамбаримиз Расулуллоҳ шайтондан сўраган экан: “Одамлар нима қилганда сенга ёқмайди ва уларнинг қандай қилиғидан қийналасан?” - деганда шайтон, “Одамлар сабр қилиб, дардларини ичига ютиб, бардош билан сабр қилганда, мен жуда қийналиб кетаман”, - деб жавоб берган экан. Ҳаётда қанча яшасангиз ҳаммаси бу менинг тақдирим денг. Сизга ёмонлик қилган инсонлар ҳам сиздан эмас, Оллоҳдан ўзига яраша жазосини олади. Мен шунча қийналиб азоб чекканим учунми фақат яхши одамларга рўбарў бўламан.

Н.опа, менга мактуб ёзинг. Иккаламиз қиёматли дўст бўлайлик. Ўйлайманки, мен билан дўст бўлсангиз афсусланмайсиз. Мактубингизни кутиб қоламан.

**Муқаддасхон ХУШВАҚТОВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Нуробод тумани.**

# КЕЧИРИМЛИ БЎЛИНГ



Мен куни кеча болалар уйида ишлайдиган бир аёл билан суҳбатлашиб қолдим. Гап орасида мен унга: "Болалар уйида ишлаш қийин эмасми?!" - деб сўрадим. У бир оз тин олгач, шундай деб жавоб берди. "Қийин, қийинлиги шундаки, биз ҳар бир боланинг кўнглини олишга, уларнинг ўксик қалбларига йўл топишга, дилларига малҳам бўлишга ҳаракат қиламиз. Баъзан улар нимадандир қувнаб кулишса бирга куламиз. Хафа бўлиб йиғлашса биз ҳам қўшилишиб йиғлаймиз. Гоҳо болаларимизнинг кичикроқлари эшикдан кимдир кириб келса югуриб боришади. "Сиз менинг дадаммисиз ёки ойиммисиз? Мени олиб кетгани келдингизми?!" - деб тармашишади. Уларнинг аҳволини кўриб юрак-бағримиз эзилиб кетади. Биз қанчалик ардоқламайлик барибир ота-она ўрнини боса олмаймиз. Биласизми, болалар уйида отаси ҳам, онаси ҳам тирик болалар кўплаб топилади. Улар болаларидан вақтида хабар ҳам олишмайди. Баъзиларини суриштирсангиз тагли-тугли одамлар. Ҳайрон қоласиз, нима етишмайди уларга?!"

Мен бу аёлнинг гапларини эшитиб таъсирланиб кетдим. Ахир улар қандай ота ёки она эканки, ўз жигаргўшасини, оллоҳ берган неъмат - азиз фарзандини мени кечиришсину кераксиз бир буюмдек болалар уйига олиб бориб ташлашса?! Улар ер юзида қандай яшаб юришибдийкин?! Наҳотки ўз фарзандларига меҳр, муҳаббат бера олмасалар?! Ота-оналик бурчини, масъулиятини ҳис этмасалар?! Ўзгалар қилган бағрикенгликни қила олмасалар?! Уларнинг диййдалари шунчалик тош қотганми?! Ахир уруш йиллари Маҳкам акадек оддий бир инсон турли миллат фарзандларини ўз қарамоғига олди. Очарчилик йиллари бўлишига қарамай тор уйини, бағрини кенг қилиб, ўзи емай едирди, киймай кийдирди. Ота бўлиб уларнинг бошини силади. Боқиб, вояга етказиб, оёққа турғазди. Салга моддий етишмовчиликни, оиладаги келишмовчиликни рўкач қилган оталарга отаси ташлаб кетиб, қийналиб қолганини сабаб қилиб, енгил-елпи ҳаёт кўчасига кириб кетаётган баъзи аёлларимизга уларнинг ҳаёти наҳотки ибрат бўлмаса?! Ахир 4-5 талаб болаларини қийналса ҳам ишлаб, боқиб, отасиз тарбиялаб, вояга етказиб, уйли, жойли қилаётган аёлларимиз ҳам кўплаб топилади-ку! Яқинда телевизорда кўрганим - бир қизалоқ шундай дейди: "Менинг отам ҳам, онам ҳам бор. Мендан буважоним келиб хабар олиб турадилар. Мен уларни жуда яхши кўраман", деса, бир йигит: "Онажон, келинг. Гарчи сиз мени ташлаб кетган бўлсангиз ҳам мен сизни кечираман. Сизни кутаман ва ҳеч қачон мени болалар уйига ташлаб кетганингизни юзингизга солмайман", - деди. Ҳа, мен ҳам болалар уйида тарбияланиб вояга етаётган ўғил-қизларимга шундай демоқчи эдим. "Кўз ёшларингизни артинг! Ҳеч қачон кўнглингиз ярим бўлмасин. Дунёда меҳрли, мурувватли инсонлар кўп! Яхши одамлар сизнинг отангиз, онангиздир. Мана шу муқаддас замин, мусаффо осмон сизники. Шу азиз Ватан, муқаддас юрт бошингизда соябондир". Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом: "Сен етим эмассан, тинчлан жигарим. Қуёшдек меҳрибон Ватанинг, онанг", - деганларида нақадар ҳақ эдилар. Бошингизни баланд кўтариб ҳаётга, одамларга меҳр, муҳаббат кўзи билан қаранг. Ўқинг, ўрганинг. Келажакда ҳаётда ўз ўрнингизни топинг. Шундай кунлар келиб, сиз илм чўққиларини эгаллаб, қўлингиздан иш келганда отангиз ёки онангиз сиздан ёрдам, паноҳ сўраб борсалар бағрингизни очинг. Чунки нима бўлганда ҳам улар сизни шу ёруғ дунёга келтиришган. Уларни кечиринг. Кечиримли бўлинг. Зеро, парвардигорим ҳам кечиримли инсонларини яхши кўради".

**Дилбар ЭРНАЗАРОВА,**
**Сирдарё вилояти,**
**Гулистон шаҳри**

# БИРОВНИНГ ҲАҚИ ЮҚМАЙДИ

Бировнинг ҳақи ҳеч қачон бировга юқмас экан. 18 ёшимда туман матлубот жамиятига ишга кирган пайтим. Биринчи маош олган куним эди. Тушлик маҳали дугонам Манзура билан овқатлангани чиққанимизда ердан 5 сўм пул топиб олдик. Мен:

- Бу пулни кимдир тушириб қолдирибди, эгаси чиқиб қолар, - дедим. Дугонам эса:

- Э, топилмайди эгаси, пулни ишлатиб юборамиз, - деди. Ҳали ошхонага етмай туриб текис йўлда оёғим тойиб кетиб қоқилдим. Ўша 5 сўм пулни дугонам сумкачамга солиб қўйганди. Орадан 2 соат вақт ўтгач, у менинг олдимга кириб, бугун олган маоши, яъни 110 сўм пулини йўқотиб қўйганлигини айтди. Мен унга:

- Бировнинг ўша 5 сўм пули суриб кетибди-да, - дедим.

Рўзғорга у-бу нарса харид қилиш учун бозорга тушганимда баъзида тарозуга хиёнат қилаётганларни кўриб, ўйлаб қоламан. Ҳисобли дунёда ҳеч нарса жавобсиз қолмас экан.

Яна бир ҳамқишлоғимиз бор эди. Ўша одам катта миқдорда одамларга фоизга пул берарди. Вақти келиб ўша одам ўлганида қабр қазишаётса, бир илон чиқиб уни қабрга қўйишга ҳеч ҳам йўл бермас эмиш. Охири бошқа бир эски қабрни очиб ўшанга қўйишибди. Ўғли отасини лаҳадга қўйиб чиқаётса жасад устига яна ўша илон келиб чиқиб олибди.

Ўғил уйга қайтгач, отаси фоиз фойдасига олган барча мол-қўйларни сотиб, пулини ногиронлар уйига топшириб юборибди. Ўша тунда отаси тушига кирибди: "Болам, барака топ. Мени илон азобидан қутқардинг", - дебди.

Қиссадан-ҳисса шуки, биров рози бўлиб, биров эса норози бўлиб берган пул ҳеч кимга юқмас ва қабр азоби қийнар экан.

**Машҳура ИСОҚОВА.**

**ҚИССАДАН ҲИССА**

# КЕТМОНДАГИ БАРАКА



Абдукарим тоға қишлоқнинг ўртасидаги ҳовлисини ўғилларининг бирига қолдириб, янги ҳовлига кўчиб чиқди. Чунки у заканнинг бўйида яшаб, ғоз кўпайтиришга қизиқиб қолганди. Унинг ёши олтмишдан ўтиб қолган бўлсаям, ҳали кучдан қолмаган, серҳаракат, серҳафсалалиги учун унча-мунча йигитнинг ишини ёқтирмайди.

Унинг янги ҳовлига кўчиб ўтишининг бошқа сабаби ҳам йўқ эмасди. Олдинги йили кампири оламдан ўтиб, ўғиллари ёшроқ бева хотинга уйлантириб қўйишди. Шунча йил бирга рўзғор қилган олдинги хотинининг руҳини ранжитмай, дедими, ҳарқалай эрта баҳорда закан бўйига кўчиб чиқишди. Ўша хафтанинг ўзидаёқ бозордан ўн бош ғоз олиб келиб, заканга қўйиб юборди.

Абдукарим тоғанинг Неъматилло деган ошнаси икки кунининг бирида уни йўқлаб келаверади. Нима ҳам қилсин бечора, бекорчиликдан зерикади. Хассага таяниб, ўнг оёғини судраб босганича закан бўйига етиб келади. Олдинлари Неъматилло ҳар елкасида биттадан одам ўтирадиган йигит эди. Улфатлари билан гаров ўйнаб ўтиришда беш шиша ароқни ичиб, икки кило гуручнинг ошини еб, қишлоқда шов-шув гап чиқарганди. Ҳар куни улфатчилик қилавериб, ўзига дард ошириб олди.

Неъматилло закан бўйига етиб келганида, Абдукарим тоға қўлида кетмон билан ишлаётган бўлади. Эрта баҳорданоқ ҳовлига жўяк олишиб, экин-тикинни бошлаб юборишди. Ҳозир ҳам Абдукарим тоға закан бўйини қиртишлаб, уч қатор қилиб терак кўчатини экиб бўлай деганда, Неъматилло заканнинг кўприги устига келиб тўхтади.

- Ҳорманг, ошна!

-Ҳе, саломат бўлинг! - жавоб қилди Абдукарим тоға қаддини ростлаб.

- Бир умр ерни кавлашдан бўшамас экансиз-да, ошна?

Абдукарим тоға дўпписини айлантириб кийиб, жилмайди.

- Бир кунлик умринг қолган бўлса ҳам, ўн кунлик ташвишинг тураркан-да, биродар. Мана, теракларни экиб қўйдим. Вақт келса, бир кунимизга ярайди-да.

- Лоп этиб бу хотиндан ҳам фарзанд кўриб оласанми, дейман-да. Катта ҳовлини ташлаб, бекорга чиқмагансан, буёққа.

Иккиси гоҳ сизлашиб, гоҳ сенсирашиб гаплашаверади. Абдукарим тоға ошнасининг гапидан таъсирланиб, қўлидаги кетмонни пуштага босиб қўйди-да, кўприк томонга одимлади.

- Бу ёғи Оллоҳнинг айтгани бўлади-да, ошна. Мана шу закан бекор турибди. Ғозчилик фермаси ташкил қилмоқчиман.

- Ана халос! Неча ёшга кирганингни эсингдан чиқарганинг йўқми? Унинг ўрнига мачитга бор. Абдукарим ўрис деган лақаб орттириб олмагин тағин.

- Энди мачит узоқлик қилиб қолди. Юр, ғознинг тухуми пишган бўлса, бир қорнингни тўйғазиб қўяман. Бу ҳам битта савоб-да.

- Савобликка савоб. Қариганда ўзингни уринтириб қўймагин дейман-да, ошна.

- Бекор юрсам, диққат бўлиб қоламан, ошна. Кўчага чиқсам, ҳамма бекорчига ўхшайди. Шикояти бир дунё. Отам раҳматлик, барака кетмоннинг юзида туради, ким кетмоннинг юзини ярақлатса, барака унинг ҳовлисини чарақлатади, дерди. Мана шу заканнинг бўйини охиригача қадамлаб чиқдим. Роппа-роса минг қадам экан. Уч қатор қилиб, терак экиб чиқаман. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсам, ўн минг тўп терак сиғаркан. Одамлар ёғоч олиб келгани Россияга чопиб кетяпти. Бу ёқда қанча-қанча заканларнинг бўйи бекор турибди.

- Бе! Қариганингда дунёнинг ташвишига тушиб қолибсан, ошна. Сен теракни экиб қўйгин, унга ўн томондан, ўнта хўжайин чиқади. Текшир-текширлар ғозингни тухумидан кўпайиб кетади. Нима қиласан, бошингни қотириб? Ўзинг бесавод бўлсанг. Ҳозир замон қалам ушлаганники бўлиб қолди. Сен биттани оғзингга солгунингча, у ўнтани ютади. Яна ўзинг биласан.

- Ростини айтсам, мен кўнгилдан чиқариб экиб қўявераман. Юзта хўжайин чиқсаям, улар билан талашиб ўтирмайман. Оллоҳ меҳнат қилганингни кўриб турса, бошқа томондан баракасини бераверади. Кўпнинг ризқи кўл бўларкан. Бир йили ҳавас қилиб бозордан икки туп шафтоли кўчатини олиб келсам, неварам бир тупини мактабга олиб чиқиб кетибди. Шунақаям мева қилдики жонивор, мактабда унга оғзи тегмаган бола қолмади. Ҳовлига экканим сал бошқачароқ шафтоли чиқди. Сийрак мевалар экан. Бу тасодиф бўлмаса керак. Ўзимга бўлсин десанг, Оллоҳ ўзингга ярашасини бераркан. Баракасини қўшмай тураркан. Кўпчиликни ўйласанг, ўша қўшмай турган баракасини бошқа томондан қўшиб қўяркан. Ўша мактабнинг ҳовлисига экилган шафтоли уч йил шиғил ҳосил қилди. Энди ўйласам, худди ўша уч йил ичида учта ўғлимни уйлантирибман. Оллоҳнинг мурувватини тан олишинг керак-да.

- Ихтиёринг, - деди Неъматилло тоға ошнасининг юзига синчиклаб қараб. - Балки касал бўлмай юришингни боиси ҳам шундадир.

Неъматилло тоға тўғри айтганди. Кимнинг нияти қанақа бўлса, пешонаси ана шунақа бўларкан. Бу дунёнинг баракаси азал-азалдан феъли кенг, серғайрат, саҳоватли одамнинг пешидан маҳкам тутиб юраверактан.

**К.НИШОНОВ.**

# ЭРТАКЛАРГА ИШОНМА, БОЛАМ...

Мунисхоннинг саккиз йил давомида бормаган табиби, учрамаган шифокори қолмади. Бириси ундай, бириси бундай,- дейди. Болалигида кўп бетоб бўлгани, ҳаммаси шунинг асорати эканини рўкач қилишади. Умр йўлдоши Муҳаммаджон билдирмаса-да, ҳаётидан кўнгли совиган, ота-онаси, сингилларинининг таъна-ю дашномлари жонига теккани шундоққина билиниб турарди.

Мунисхон бундай муҳитда ортиқ яшай олмаслигини ҳис этиб, ўз хоҳиши билан кўч-кўронини йиғиштирди-да, ота-онасиникига кетди. Кунлар, йиллар ўтди. Муҳаммаджон бу орада уйланди, қизчалик бўлди.

Онаси Малика холадан Наманганда бир табиб чиққани, қанчадан-қанча бефарзандлар даво топаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб, унинг ҳам боргиси келди. Бошқа турмуш қуриш нияти йўқ эди. Аммо: "Сиз насиб қилса, фарзандли бўласиз",- деган гапни эшитгиси, кўчаларда қад ростлаб, қадам ташлаб юргиси келди. Эндичи, қўл томирини ушлаб, узоқ кўзини юмиб ўтирган табибнинг: - "Синглим, фарзанд кўриш ёзиғингизда йўқ, шекилли"... деган гапларидан кейин қулоқлари битиб, ҳеч нарсани эшитмай қолди. Бўғзидаги бир тўғон бузилди-ю, кўз ёшлари оқаверди-оқаверди...

Малика хола олти фарзанд кўриб, биттагинасига эга бўлган холос... Боласига шу битта ҳам насиб қилмаганига куяди. Шу ёлғиз қизининг ортидан бир этак набиралари кириб келишини жуда хоҳлайди. Бир куни узоқроқ қишлоқдан келган совчилар онаизорни шоshiриб қўйишди. Бешта фарзанди қолиб, оналари вафот этган, элликни қоралаган отанинг, болаларини эплаши қийин кечаётганини айтишганда юраги яна эзилди.

Кимдир тирноққа зор, қайдадир болалар хор. Бир кам дунё, деганларича бор-да. Мунисхон онаси, аммалари, қўни-қўшниларининг гапи билан каттаси 16 ёш, кичиги эндигина 2 яшар бўлган болаларнинг аҳволи кўз олдидан ўтиб ноилож рози бўлди.

Икки аммаси ва икки қўшниси ҳамроҳлигида ҳовлига кириб келишганда кўзлари билан болаларни қидирди. Қулоқларига "ойи", деган товушлар эшитилгандай бўлди. Юраги орзиқиб кетди. Ранглари синиққан, юзларини қисмат чизиқлари безаган, эллик ёшларни қоралаган Абулқосим ака уни самимийлик билан қаршилади. Болаларини ўз онасидай тарбия қилишини илтимос қилди. Катта айвон четидаги уйни кўрсатиб, "Болалар ўша уйда", деб имо қилди. Эшикни очиб, салом бериб кирган Мунисхонни кўрган кичик қизалоқ додлаб йиғлаб опасига ёпишди. "Қўрқаман, у мени еб қўяди", - деб чирқиллади. Яхши гапириб овутишга уринганлари бефойда кетди. Каттагина уйнинг деворларига мих қоқиб, оналари кийган кўйлакларини, рўмолларини илиб қўйишган.



Ҳамма жойга онасининг сувратларини осиб ташлаган қизалоқларнинг аҳволини ҳис қилиб кўзига ёш келди. Бу сувратдаги кўзлари ёниб турган, кўҳликкина жувон ҳам унга ҳар томондан нафрат билан тикилаётгандай туюларди. Қизалоққа қўл узатган аёл, тўсатдан юзига тушган шапалоқ зарбидан эсанкираб қолди. Рўмолидан тортиб, сочларини юлиб, талвасага тушаётган 12-13 ёшдаги қизга қаршилик қилишга унда куч қолмаганди. "Мен, мен сизга нима қилдим?", дея олди, холос.

Талвасага тушган Нозима тинмай: "Сен жодугарсан, сен ялмоғизсан, ҳамма ўгай оналар ялмоғиз бўлади. Ҳаммамизни ўлдириб қўясан. Ойимнинг уйига нега кирдинг?", - деб додлай бошлади. Қизини бағрига босиб тинчлантирмоқчи бўлган отанинг ҳам ёқалари йиртилди. У ўзини аранг босди. Онaларининг тупроғи совимай, хотираси сал эскирмай болалар қийналиб қолмасин, деб катта хато қилганини тушунди. Девордаги сувратлардан бирини олиб, секин бағрига босди. Йиғидан терлаб, кўпчиб кетган қизчасининг ёнига чўзилди.

На отасининг, на боласининг кўнглига йўл топмаган аёл, бошқа хонага ўтиб бироз мизғиди. Мунисхон тонг ёришиши билан ҳовлини айланди, аёл қўли тегмаганлигидан, бетартиб бўлиб кетган, ҳовлидаги юмушларга уннади. Ёввойи ўтларни тозалади, сигир-бузоққа ўт солди. Тандир-ўчоқнинг кулини олди. Укаларини уйдан ҳовлига чиқармаган Нозима чой дамлаб, уларни уйда нонушта қилдирди.

Катта ўғли Самаджон Тошкентда бир коллежда ўқирмиш. Нозима 6-синф, Самандар 3-синф, Роҳила ва Шаҳло боғча ёшида экан. Тунда болалар олдига кириб ёнбошласа, Нозима додлайди: "Онамнинг тўшагида сен ётма"... Кўрпасини кўтариб кирса: "Ол кўрпангни, бизнинг уйга олиб кирма", - деб тўполон қилади. Ювган кирларини дордан олиб тупроққа булғайди, ёпган нонидан бир тишлам емай, қўшнидан нон сўрайди. Эккан райҳонларини пайҳон қилади. Абулқосим эса: "Туғмаган аёлнинг бола кўнглига йўл топиши қийин экан-да", - деб маломат қилади. Маҳалла-кўй, қавму қариндошлардан уялиб, уйига қайтиб кетолмайди. Аччиқ қисмати тортиқ этган бу тахир кунларга чидашга мажбур. Болаларга, айниқса, Роҳила билан Шаҳлога юраги эзиларди. Тушганига 2 йил бўлибди-ю, кўз олдида, бир оилада улғаяётган болаларни бир марта ҳам бағрига босолгани йўқ. Ҳали ҳам бегона эканлигидан эзилиб, ёшлигида ўқиган эртаклари ёдига тушади.

- "Ўгай она болаларни бошига тароқ санчиб, оққушга айлантирибди. Бойнинг молу-мулкига эга бўлибди"...

Тушларида Шаҳлони қучоқлайди, тўйиб-тўйиб бағрига босади. Боғчага сингилларини ўзи олиб бориб, ўзи олиб қайтадиган Нозиманинг ҳам бўйи чўзилиб қолди. Муниса болалардан бирор марта ҳам "она" деган сўзни эшитмади, бундан кейин ҳам эшитмаса керак. Қайнсингиллари, овсинлари келишиб, маслаҳат билан Самаджонни қўшни маҳалладаги бир қизга унаштириб келишди. Самаджон яхши йигит, ая ёки ойи демаса ҳам, ҳар қалай қўлидан чой ичади. Битта дастурхонда ўтиради. Кирларини ювгани беради. Шу ҳам Мунисанинг кўнглига таскин беради. Қирқ икки ёшида қайнона бўлишликнинг яхши-ёмон томонини ўйлаб охирига етмайди. Болалари она, дейишмаса ҳам тўй-маъракаларда: "Боладан нечта синглим?"- деганларга, фахр билан, "Бешта болам бор!" дейишнинг ўзи бахтку. Бунинг устига кичкинтойлар ҳам унга анча ўрганиб қолишди.

Тўй жуда чиройли ўтди. Эртасига тонг саҳарда келинлик уйдан "Юз очар"да қайнонаси супра олиб келиб, келинни қўлига ун солсин, деган чорловни эшитган Мунисхон супрани олиб, келинлик уйига қараб чопди. Сеп ёйилган уйдагиларга салом бериб, ичкарига қадам қўйиши билан қуда тарафдан бир аёл пешвоз чиқди: "Ҳай-ҳай синглим, бу нима қилганингиз, чиллалик уйга, чимилдиқни ёнига сиз яқинлашманг, туғмас аёл бундай ўйлаб қадам ташлайди-да!"-дея қўлидан супрани юлқиб олди. Икки уй тўлиб ўтирган аёлларнинг нигоҳи олдида, ерга йиқилиб тушай, деди. Ичидан бир кўчки кўчди-ю бўғзини, қулоқларини, кўзларини тўсиб қўйгандай бўлди. Ҳали совиб улгурмаган тандирнинг олдига бориб бошини уриб йиғлади. Қалтираган қўлларини чўғга ботирар, куйган бармоқларини деворга босарди. Нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Аммо, сабр қилди, одамлар нима деб ўйлайди, деб истиҳола қилди.

Туни билан илондай тўлғониб чиқди. Эрталаб уйғониб қараса ҳовли чиннидай топ-тоза. Эрининг таҳоратига илиқ сув тайёрлаш учун човгунни ушлаб, ҳайрон қолди, иссиқ сув тўлатилган, устига янги, оппоқ сочиқ илинганди. Энди ўзини бу ҳовлида кераксиз бир буюмдек ҳис қила бошлади. Уйига кириб секингина кийимларини тугди, оёқ учида юриб тандир-ўчоқларини, эккан гулу райҳонларининг ёнига борди. Шаҳлонинг ерда ётган қўғирчоғини олиб бағрига қаттиқ босди: "Болажоним, эртакларга ишонма, кул тепага айланган уйингни, гулхонага айлантиргани келгандим, совиган тандирингга олов бўлиб, кулча қилиб берай дегандим. Сочларингга тароқ санчиб, хазон қилгани эмас, етим бошингни силагани келган эдим. Бу ёруғ оламга келиб, "ойи" деган сўзни эшитиш, шунчалик қийинми? Эй Оллоҳ, қани шу бағримдаги қўғирчоққа жон ато этолсайдинг, "ойи" деб қучоғимга талпинсайди. Болажонлар, қилган меҳнатларимга розиман, сизлар ҳам мендан рози бўлинглар!"

Кўз ёшларидан ёқалари жиққа ҳўл бўлган Мунисхон, шошилиб қўғирчоқни тугунининг ичига солди. Бу аёл нима қилаётганига ақллари етмай, уйнинг деразасидан кузатиб турган болаларни пайқамаган Мунисхон секингина дарвоза томонга йўналди. Эшик зулфига қўл узатган аёлнинг вужуди: "Ойижон", деган овозлардан титроққа тушди. Кутилмаганда болалар уйдан югуриб чиқиб Мунисанинг бағрига отилишди. Нозима тиз чўкиб, унинг оёқларини қучоқлаб: "Ойижоним, сиз ҳам бизни ташлаб кетманг, илтимос, мени кечира олсангиз кечиринг!",- деб ёлворарди. Шаҳло билан Роҳила эса онасининг қучоғини талашиб унинг пинжига тиқиларди.

Тугун ичига омонатгина солинган қўғирчоқ эса ерга зарб билан тушиб «инга» - «инга»ларди...

**Мунаввар ТОШПЎЛАТОВА,**
**Аграр университети қошидаги Академик лицейи директор ўринбосари**
**Қибрай.**




# КЕКСАЛИКДА КИШИ ХОР БЎЛМАСИН...

Ҳар кун ишдан қайта туриб, кўп қаватли уйларнинг биқинида жойлашган вагон уйчага кўзим тушарди. Лекин, бу ерда одамлар яшашини билмасдим. Кунларнинг бирида ишдан сал барвақтроқ қайтдим. Шунда уйчанинг эшиги олдида жун йигириб ўтирган, олтмишлардан ошган кампирга кўзим тушди. Салом бердим-у, йўлимда давом этдим.

Орадан икки кун ўтиб-ўтмай қўшним шу уйда яшовчи чол-кампирга бир товоқ иссиқ овқат олиб чиққанини айтиб қолди.

Мен чол-кампирнинг вагон уйчада яшаши сабаби билан қизиқдим.

- Ўктам ота билан Анбар онанинг беш фарзанди бўлиб, шундан биригина омон қолганди. Чол-кампир шу ёлғиз ўғлини кўпдан кам қилмади, топганини едирди, ичирди. Улғайгач ўқитишди.

Вақти-соати етгач, уни ўзи суйган қизига уйлантиришди. Аммо, келиннинг нияти фақатгина эрга тегиб, унинг мол-мулкига эга бўлиш экан. У тўй ўтгандан кейин аста-секин рўзғордаги буюмларни киши билмас сота бошлади. Чол-кампирнинг гулдеккина ҳовлиси бор эди. Келин: "Адажон, биз ўғлингиз билан хорижга бориб ишлаб келайлик, пулингизни ўн баробар ортиғи билан қайтарамиз", - дея қайнотасининг, сўнг қайнонасининг розилигини олади.

Эрини Қозоғистонга танишлари орқали ишлашга жўнатади. Чол-кампир буни кўриб, шоша-пиша ҳовлини сотиб, пулини келиннинг қўлига тутқазади.

Келин эса бир ҳафта ичида уч хонали уй сотиб олиб, лашлушларини кўчириб кетди. "Бир ҳафтадан сўнг кўчириб обкетаман", - деганча бошқа қорасини кўрсатмади. Уй эгаси бир ойдан сўнг оиласи билан кўчиб келиб, чол-кампир кўчада қолишди.

Кўчада қолган чол-кампирга маҳалланинг оқсоқоллари биргалашиб шу вагон уйчадан жой қилиб беришди. Ўғлини кутиб яшаётган бўлса-да, ундан ҳам мана бир йилдирки дарак йўқ. Иссиқ овқатсиз, ҳеч қандай шароити йўқ уйчада яшаётган чол-кампирга баъзан қўни-қўшнилар ул-бул егулик олиб чиқиб туришади, - деди қўшним ачиниб. Шу қари чол-кампирни қақшатиб, эрини ўзга юртга ишга жўнатиб юборган келинпошшанинг бири-икки бўлармикан? Наҳотки шу ишга қўл ура туриб, эртасини ўйламади, экан? Ахир бу дунёни қайтар дунё дейдилар-ку...

Қайнота-қайнона ҳам иккинчи ота-она. Ҳеч қайси ота-она ўз зурриёдига ёмонликни раво кўрмайди. Аксинча, боласининг ортидан келган келин ёки куёвни алқайди. Бир боласи иккита бўлганидан суюнади. "Неварали-чеварали бўлайлик, топганимиз тўйларга буюрсин", - дея орзу-умид қилишади-ку! Ўғил ҳам бўшгина экан, индамай кетаверибди.

Энди мен ҳам имконим бўлганда бу муштипарларни ош-овқат билан сийлайдиган бўлдим.

**Фарида ТОҲИРОВА.**

# СИЗГА ОМАД ҚАЧОН КЕЛАДИ?

Омад бир келса қўшалоқ келар, деган иборани кўп эшитганмиз. Шундай бўладики, эндигина битта ютуқни нишонлаб турсанг, унинг орқасиданоқ, бошқасини кутиб оласан. Иш юришиб, омад йўллари ҳам ўз-ўзидан очилаверади. Бунинг бир сир-синоати борми ёки тасодиф чархпалагининг ишими?

Келинг, бу ҳақда тадқиқотчиларнинг фикрига қулоқ тутайлик. Эр-хотин саёҳатчилар Европадан Бразилияга йўл олишган эди. Улар ўзлари билан Селеза исмли етти ёшли инжиқ ва касалманд қизалоғини ҳам бошлаб олгандилар. Аслида эр-хотин Селеза учун об-ҳавони алмаштириш баҳонасида дам олиб келмоқчи эдилар. Улар Атлантика океани соҳилида чўмилишиб, қуёшга тобланишиб, яхши ҳордиқ ола бошладилар. Бироқ бир ҳафта ўтмаёқ, меҳмонхонага ўғри тушиб, бор пулларини ўмариб кетишди. Бундай омадсизликдан тўғрироғи, эр-хотин эсанкираб қолишди. Таниш-билишлар бўлмаган бегона юртда шундай аҳволга тушилса, ҳамма ҳам эсанкираб қолади-да.

Биринчи навбатда улар арзонроқ бошпана қидиришиб, шаҳарнинг чеккасидан бир кулба топишди. Селезанинг дадаси мавсумий иш топиш ёки хайрия ташкилотларидан ёрдам олиш мақсадида елиб-югура бошлади. Унинг аёли эса қизчасининг соғлигини ўйлаб, уни асосан балиқчиларнинг болалари чўмиладиган тошлоқ соҳилга олиб бора бошлади. Бу ерга қоялар ҳам яқинроқ эди. Селеза ана шу жойда қўлидаги куракча билан қумдан қўрғон қилиб ўйнаётганди. Онаизор сал нарида кўзида ёш билан қояларга келиб урилаётган тўлқинларни кузатиб, ғамга ботиб ўтирганди. Бу туришда уйга қандай қилиб қайтишларига ҳам ақли етмай, онанинг хўрлиги келиб турган бир пайтда, Селеза онасини чақириб қолди. Онаси кўз ёшларини артиб, унинг ёнига яқинлашди-ю, ҳайратдан серрайиб қолди. Селеза куракчаси билан қумни суриб очган чуқурчада олтин буюмлар уюми кўзга ташланиб турарди. Онаизорнинг қувончдан ўтакаси ёрилай, деди. Дарҳол полициячиларга хабар •беришди. Маълум бўлдики, олтин буюмларни бир вақтлар қароқчилар кўмиб кетишган, аммо кейинчалик номаълум сабабларга кўра топиша олмай қолишган. Йиллар ўтиб океан тўлқинлари қумни ювиб, хазинани очиб қўйганди.

Қизча ночорликда қолган ота-онасини бир фурсатда бойитиб қўйганди. Ўша қоятошлар яқинига яширилган хазина Европадан бир қизалоқнинг бориб, очишини кутиб турганига нима дейсиз? Селезанинг ота-онаси у ердан бир йўла бойиб қайтишди. Селезанинг ўзи ҳам батамом тузалиб кетди. Мана буни қўшалоқ омад, деса бўлади.

Тадқиқотчилар Ҳиндистондаги Калкутта шаҳрининг камбағаллар яшайдиган даҳасида содир бўлган ажойиб бир воқеага эътиборни қаратдилар. Бу ерда Кичепара исмли қизалоқ бувиси билан яшарди. Сабаби, унинг ота-онаси аллақачон бошқа-бошқа турмуш қуриб кетишган бўлиб, Кичепара ўгай аммасининг қўлида қолганди. Уни «буви», деб атарди ва ўзининг ота-онаси қариб ундан хабар олмай қўйишганди. Кўп ўтмай Кичепаранинг бувиси ҳам оламдан ўтиб, унинг ўзи ночоргина кулбада ёлғиз қолди. Хайриятки, раҳмдил инсонлар бор экан. Қўшниси Кичепарани боғдорчилик ширкатининг ошхонасида ишлайдиган бева қариндошига югурдак қилиб берди. Кичепара ошпаз аёлга маъқул келиб қолди. Ёлғиз яшагандан кўра, битта ҳамхона бўлса яхши-да. Улар тез орадаёқ она-боладай бўлиб қолишди.

Ширкатнинг боғларида ёнғоқлар пишган кезларда, ҳамма уларни териб олишга сафарбар этиларди. Ошхона ҳам вақтинчалик ёнғоқзорга кўчирилди. Ёнғоқзор эса тоғларнинг ёнбағрида эди. Кичепара ҳам ёнғоқ тераётганларга ёрдамлаша бошлади. Шу чоқ кутилмаганда, қаттиқ сел қуйиб юборди. Тоққа ёққан сел тошларни, шох-шабба ва ўт-ўланларни ювиб, оқизиб тушаётганди. Кичепара тутинган онасининг ёнига ўта олмай, қияликдаги ёнғоқнинг панасида қолиб, селнинг тинишини кутиб турди. У ердан ҳарқалай ошхона кўриниб турганди.




Сел суви шох-шабба ва лойқаларни аралаш-қуралаш қилиб оқизиб ўтаётган пайтда, Кичепаранинг кўзи аллақандай чарм картмонга ўхшаш нарсага тушди. Бироз қўрқиб-иккиланиб, уни қўлига олди. Лойқа эса сурилиб, пастликка оқиб кетди. Кичепара қора ҳамёнчанинг ичини оча олмади. Уни сел тингач, тутинган онасининг олдига олиб борди. Ошпаз аёл унинг ичини очди. Озгина пул ва сулофанга ўралган аллақандай сарғимтир қоғоз бор экан. Ошпаз аёл саводсиз бўлгани учун қоғозни ўқий олмади. Иккаласи келишиб, агар ҳамённинг эгаси топилса, топширадиган бўлишди.

Энди бу ёғини эшитинг. Ёнғоқзорнинг юқори қисмидаги тоғликдан серқатнов автомобил йўли ўтган эди. Икки ойча илгари ана шу трассада авария содир бўлиб, Калкуттанинг бадавлат кишиларидан бирининг қудаси ҳалок бўлганди. У эллик йилдан сўнг отасидан қолган мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг ягона нусхасини топиб олиб келаётганда, ҳалокатга учраганди. Ана шу ҳужжат билан эллик йилдан буён сақланиб келаётган улушини олса бўларди. Афсуски, машина жарликка қулаб, парчаланиб кетганди. У олиб келаётган ҳужжатни ҳам ҳеч қаердан топиша олмади. Калкутталик бадавлат киши ким ҳужжатни топса улушнинг ярми ўшаники, деб эълон қилганди. Буни эшитганлар ёнғоқзорнинг юқори қисмини титипити қилиб ташлашди. Ҳаттто махсус ўргатилган итлар билан бир ойдан зиёдроқ қидиришди. Тақдир чархпалагини қарангки, Кичепара топиб олган ҳамёндаги сарғимтир қоғоз, худди ана шу ҳужжат экан.

Кичепара тутинган онаси билан янгигина коттежга кўчиб ўтиб, яшашаётганда, қаёқдандир унинг отаси ва онаси ҳам топилиб қолди. Уларнинг иккаласи ҳам кейинги рўзғоридан фарзанд кўришмаган экан. Бир-бирига ўчакишган ота-она омадли қизалоғи ёнига қайтишиб, оилани яна тиклашди.

Юқоридаги ҳар икки ҳолатни ва дунёда бирин-кетин омадлари келиб, машҳурликка эришган юзлаб инсонларнинг ҳаёт йўлини ўрганишган тадқиқотчилар қўшалоқ омадларнинг сир-синоатида ажойиб бир қонуният бор, деган хулосага келдилар. Яъни, ҳар бир кишининг туғилган куни ва соати унинг учун омадли сония ҳисобланаркан.

Атлантика океани соҳилидан хазина топиб олган Селеза ва бир фурсат ичида лойқага аралашиб кетиши мумкин бўлган муҳим ҳужжатни топган Кичепара худди ўша сонияда коинотдаги ҳомий юлдузларининг паноҳида бўлганлар. Яъни, уларнинг омад сонияси худди ўша кунга ва ўша дақиқага тўғри келган. Селеза 12 июннинг тонг отар пайтида, соат 4 дан 30 дақиқа ўтганда туғилганди. Худди шу пайтда Бразилиядаги вақт кечки пайт соат 4 дан 30 минут ўтган эди. Чунки оралиқ масофа роппа-роса ўн икки соатни ташкил қилади. Селеза эса хазинани 12 сентябр куни, айнан кечки пайт соат 4 дан 30 дақиқа ўтганда топган эди. Бу пайтда унинг коинотдаги ҳомий юлдузи океан соҳилининг тиккасига келган эди.

Энди Кичепарага келадиган бўлсак, у ўзига қўшалоқ омад келтирган ўша ҳужжатни топган сонияда роппа-роса саккиз ёшга тўлганлиги маълум бўлди. Ҳиндистонлик мунажжимлар айнан шу куни Қуёшнинг Ерга нисбатан қулай жойлашганлигини башорат қилганлар. Демак, Кичепара ҳақиқий омад ўзининг сониясида бўлган. Бундай сонияда ҳомий юлдуз одамни ҳар қандай бало-қазолардан ҳимоя қиларкан ва унга зийраклик, омад инъом этаркан.

Худди мана шу масалада тадқиқотчилар ўзига хос ва яна бир кашфиёт яратдилар. Улар океан қаърига чўкиб кетган "Титаник" кемасидан тирик қолишган олти кишининг таваллуд кунларини аниқлашгач, уларни худди ўша фалокат пайтида омадли сония паноҳида бўлганликларининг гувоҳи бўлдилар. Яна шундайки, ўша фалокатдан тирик қолганлар кейинги ҳаётлари давомида айнан шу машъум кунда чиройли омадларга эришганлар.

Хўш, сиз ўзингизнинг омадли сониянгизни қандай билишингиз мумкин? Бу жуда осон. Айтайлик, сиз ойнинг 14-санасида, соат 1 дан 20 дақиқа ўтганда дунёга келгансиз. 14-сана билламизки, ойнинг жуфт куни. Демак сиз учун омад сонияси жуфт йилда, жуфт кунда ва тоқ соатда келади. Ҳар ойнинг 14-санасида омад сониясига яқинроқ бўласиз. Сабаби, тақдир юлдузингиз сиз учун қулайроқ ҳолатда жойлашган бўлади. Ойнинг тоқ кунида туғилганлар эса, тоқ йилдан ва тоқ кундан мўъжизавий нажот топадилар.

Агар сиз ойнинг жуфт кунида туғилган бўлсангиз, муҳим ишларга ойнинг жуфт кунида қўл урганингиз маъқул. Машҳур "Форд" компаниясининг асосчиси бўлган Форд ўзини ойнинг жуфт кунида туғилганлигини ва машиналар шуҳратини ошириш бўйича қўлланилган тадбирларнинг аксарияти ҳам ойнинг жуфт кунларида амалга оширилганлигини эътироф этган.

Албатта Тангрининг ёмон куни бўлмайди. Агар одам тиришқоқ ва лабзи ҳалол бўлса, ҳар куни омад қучиши ҳам мумкин. Лекин толе юлдузингиз сизга энг мушкулотли дамларда ҳақиқий омад сониясини инъом этаркан. Сизга ана шундай сонияда қўшалоқ омаднинг кулиб боқиши ҳам ҳеч гап эмас.

**Комилжон тайёрлади.**

**Газетанинг навбатдаги сони 30-декабр куни чиқади.**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Оила ва жамият

**Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.**

**Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.**

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

**Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20**
**Табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.**

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **027**-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 237. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 15900
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Б. САЙДАЛИЕВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**
2 3 4 5 6